2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 224 (1823), 2026 йил 29 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 октябрь куни соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция жалб қилиш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва йирик тиббиёт объектларини барпо этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш соҳасида умумий қиймати 2,7 миллиард доллар бўлган 35 та инвестиция лойиҳасидан иборат портфель шаклланган. Улар янги ихтисослашган марказлар ва кўп тармоқли шифохоналар қуриш, мавжуд тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва замонавий кадрлар тайёрлашни қамраб олади.

Янги тиббиёт муассасаларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилишда уларнинг жойлашуви, қуввати ҳамда кўрсатадиган хизматлари аҳолининг эҳтиёжига мос бўлиши муҳим. Тақдимотда инвестиция лойиҳаларини шу асосда шакллантириш, уларга хусусий секторни жалб этиш ва тиббиёт муассасаларини бошқаришнинг янги усулларини жорий қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, Миллий онкология маркази, Республика неврология ва инсульт маркази, Тошкент вилоятида катталар учун кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қашқадарё вилоятида янги шифохоналар ҳамда Нукус шаҳридаги оналар ва болалар марказини барпо этиш, Термиз шаҳрида тиббий таълим дастурларини йўлга қўйиш, давлат-хусусий шериклик модели асосида Самарқанд шаҳрида 800 ўринли шифохона, Бухоро вилоятида кўп тармоқли тиббиёт муассасасини ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимотда ушбу лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган тўққизта истиқболли лойиҳа бўйича таклифлар шакллантирилган. Улар неврология ва инсульт, руҳий саломатлик ва наркология хизматлари, болалар онкологияси ва гематологияси инфратузилмасини ривожлантириш, шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш, унинг автопаркини янгилаш ҳамда тиббий кадрлар тайёрлашни қамраб олади.

Келгусида тиббиётга инвестиция жалб қилиш соғлиқни сақлаш инфратузилмасининг мастер-режаси билан боғланади. Шу асосда 2040 йилгача мўлжалланган инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Аввало, амалдаги лойиҳалар хатловдан ўтказилиб, уларнинг долзарблиги ва амалга ошириш имкониятлари баҳоланади. Кейин ҳудудлар эҳтиёжига мос лойиҳалар танланиб, уларнинг инвестиция паспортлари ва ягона портфели шакллантирилади. Стратегия хусусий инвесторлар, халқаро молия институтлари ва донорлар билан ишлашда устувор йўналишларни белгилаб беради.

Тиббиёт муассасалари фаолиятига хусусий секторни жалб қилишнинг муҳим йўналиши — аутсорсинг. Келгуси йилдан амал қиладиган янги тартибга кўра, муассасалар айрим тиббий ва ёрдамчи хизматларни хусусий ташкилотлардан харид қилиши мумкин бўлади. Бунда хизмат кўрсатувчи билан узоқ муддатли шартнома тузиш, хизмат ҳажми ва сифатини олдиндан белгилаш, натижани аниқ мезонлар асосида баҳолаш таклиф этилмоқда. 2030 йилга бориб хизматлар харидида аутсорсинг улушини 30 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Ушбу жараённи шаффоф юритиш учун “Тиббиёт аутсорсинги” электрон тизимини жорий этиш режалаштирилган. Унда хизматлар, ижрочилар ва шартномаларнинг ягона реестри юритилиб, кўрсатилган хизмат ҳажми, сифати ҳамда тўловлар кузатиб борилади. Тизимни давлат харидлари билан боғлаш ҳам назарда тутилмоқда.

Йирик тиббиёт ташкилотларига профессионал бошқарувчиларни жалб қилиш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Уларни очиқ танлов асосида саралаш ва фаолиятини ҳар йили белгиланган натижа кўрсаткичлари бўйича баҳолаш кўзда тутилган. 2030 йилгача бешта йирик муассасада шундай бошқарувни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари соҳанинг инвестиция стратегияси ва тақдим этилган лойиҳаларни мастер-режа асосида пухта ишлаб чиқиш, амалдаги лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29-30 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Анқара шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Турк асри: тилда, фикрда ва ишда бирлик” мавзусидаги навбатдаги саммитида иштирок этади.

Ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, туризм, экология ва таълим йўналишларида янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Саммит якунлари бўйича Анқара декларацияси ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга қаратилган қатор қўшма қарор ва ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

ЎзА

ТДТ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ САРИ

29–30 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркияда бўлиб, Анқара шаҳрида ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммити тадбирларида иштирок этади.

Бугунги глобал иқтисодий-сиёсий шароитда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишончни ошириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда умумий тарихий меросни асраб-авайлаш халқаро муносабатларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Бу борада Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) туркий халқлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро стратегик шерикликни кенгайтириш ва умумий тараққиёт мақсадларига эришишга хизмат қилувчи муҳим минтақавий тузилма ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ТДТ доирасидаги фаол иштироки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ва уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ташкилотнинг амалий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда

“БИЗ КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИК!”

ёхуд Президентимиздан бир соатлик сабоқ

Янги Ўзбекистон руҳи



Давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё — АҚШ” (С5+1) форматидаги мулоқот иштирокчиларини қабул қилиш учун Самарқандга бир кун олдин ташриф буюрганининг мақсадини меҳрли эҳтирос билан ўзи айтиб қўя қолди: “Бугун Самарқанд дунё машваратининг марказига айланди. Уни бутун дунё яхши кўради. Менинг ҳам Самарқандга меҳрим бўлакча. Чунки вилоятнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаш жараёнида бу заминнинг ҳақиқий сеҳрини сезганман, самарқандликларнинг уддабурон, маърифатли эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Шу сабабли янги кўприк баҳонасида сизлар билан дийдорлашишни ният қилдим”.

Табиийки, жамоатчилик вакиллари — депутатлар, фахрийлар, ишбилармонлар, олимлар, ёшлар ўз Президентининг Самарқандга эътибори кучли эканини билгани учун қалбларида ўзгача қувонч туйди. Эҳтимол Самарқанд шаҳрини Ширин шаҳарчаси билан боғловчи, Қорадарё устида қурилган 650 метрли кўприк Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган бошқа улуғвор бинолар олдида оддий кўринар. Бироқ биз учун бу иншоот осмон устига қўйилган қасрга ўхшаб туюлди. Чунки у бундан 25 йил аввал айнан Шавкат Мирзиёев ўйлаган режанинг асоси эди.

Ўшанда аэропорт орқасини, дарё соҳилларини ўрганиш чоғида Президентимизнинг **“Бу майдонлар Самарқанднинг дарвозаси ҳисобланади, қолаверса, шаҳарни кенгайтиришнинг катта имкони, қани энди дарё устига кўприк қуриб йўл очсак, кўплаб муаммоларимиз ҳал бўлар эди”,** деган сўзларини ҳамон эслаймиз.

Иккинчидан, бу кўприк сайёҳлик индустриясининг ҳам тимсоли. Бинобарин, иншоотни ўз пулимизга, ўз қурувчиларимиз, ўз муҳандисларимиз барпо этди. Ана шу фахр, ифтихор қалбимизни осмон қадар кўтариб турди.

Бу фикрларни билдирганимизда давлатимиз раҳбари ҳам тўлқинланиб кетди ва халқаро ҳамжамият билан ишонч кўприкларини, ҳамкорлик кўприкларини қанчалик кўп қурсак, у бизга шунча салоҳият келтиришини айтди.

Шу ўринда айрим давлат раҳбарлари, йирик корпорациялар бошлиқлари билан йиллар давомида биз учун керакли муаммолар устида ўтказилаётган музокаралар моҳияти ҳақида ўртоқлашди. Йиллар давомида Ўзбекистонга иккинчи, ҳатто учинчи даражали сифатида қараб келинган. Ана шундай нуқтаи назарни кескин ўзгартира олиш осон эмаслигини, ҳатто ўз ҳамкорининг фикрини ўзгартириш нечоғлик қийинлигини билган инсон учун бу ҳолатни тушуниш қийин эмас. Зотан, биз шу жараёнлар самарасини кўриб турибмиз.

Дунё юртимиз билан ҳамкорлик қилишга интиляпти

Бу ҳақда гап кетаркан, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси, таниқли олим Рустам Холмуродов кўнглидаги гапни яшира олмади:

“Икки тизимни, ҳатто мустақиллик йилларида ҳам икки хил иш услубини кўрган киши сифатида бир ҳолат мени ҳайратга солади. Мамлакатда сиз бошлаган ислоҳотлар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Инсоннинг туғилишидан тортиб, то охирги кунигача бўлган ҳаётидаги ҳар бир жараён эътиборингизда. Бунинг устига, халқаро алоқаларда ҳам бошқалардан ўзгача дипломатия билан ишлаяпсиз. Биласизми, АҚШ давлат котиби Марко Рубио билан бирга келган ёрдамчилардан бири бугун менга қўнғироқ қилиб, Самарқанд Квант маркази олимлари билан ҳамкорлик қилиш нияти борлигини айтди.

Давоми 3-бетда

БУГУНГИ МУРАББИЙЛИК

зиммамизга ҳар қачонгидан кўп масъулият юклайди

1965 йили мактабни тамомлаётган пайтим спорт машғулотида жароҳат олганман. Шифохонада даволанар эканман, тиббиёт ходимларига ҳавас қилиб, шу касбни эгаллашни дилимга тугдим. Бир оз муддат Урганч тумани марказий шифохонасида ҳайдовчи сифатида ишлаб, кейин ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт университетининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. Олий таълим муассасасини тамомлагач, фаолиятимни тери-таносил касалликлари кафедраси билан боғладим. Шифокорликдан кафедра мудири даражасигача бўлган шарафли йўлда клиник ординатор, ассистент, доцент ва профессор каби лавозимларида меҳнат қилдим.

2005 йили Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилгач, 2013 йилгача академиянинг тери-таносил касалликлари кафедрасини бошқардим. Ҳозир Тошкент давлат тиббиёт университети профессори лавозимида ишлаб келяпман.

Илмий фаолиятим ўта долзарб тиббий муаммоларни ҳал қилиш билан узвий боғлиқ. 1978 йили дерматовенерология ихтисослиги бўйича “Ўткир некротик тери лейшманиозини даволашда коллаген-мономицин комплексини қўллашнинг клиник-экспериментал асосланиши” мавзусида номзодлик диссертациямни ёқладим. Ушбу илмий изланишларим натижасида ишлаб чиқилган янги дори — “Колламон” (коллаген-мономицин комплекси) ва уни қўллашнинг янги даволаш усули тиббиёт амалиётига киритилди ҳамда юртимизда лейшманиоз муаммосини кескин камайтиришга хизмат қилди.

Давоми 2-бетда

МИЛЛИЙ ЁЗУВ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЙҒУНЛИГИ



6

Ҳозирда ТДТга аъзо давлатларнинг умумий майдони 4,25 миллион квадрат километрдан ошади, аҳолиси 170 миллиондан зиёд. 2025 йилда ушбу мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми қарийб 2,3 триллион АҚШ долларини, ташқи савдо айланмаси эса 1,2 триллион доллардан ортиқни ташкил этди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 29 октябрь, 224-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ТДТ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ САРИ

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, транспорт-логистика, рақамлаштириш, энергетика, таълим, илм-фан ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш бўйича билдирилаётган таклифлар туркий давлатлар ҳамкорлигининг янги босқичини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2026 йил 29-30 октябрь кунлари Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказиладиган ТДТнинг 13-саммити мазкур ҳамкорликни янада кенгайтириш, устувор вазифаларни белгилаш ва амалий ташаббусларни янги босқичга олиб чиқишда катта роль ўйнайди.

“Турк асри: тилда, фикрда ва ишда бирлик” мавзусида ўтказиладиган Анқара саммити туркий давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим кўп томонлама тадбирдир.

Мазкур шиор туркий халқларнинг тил ва маданият муштараклиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда умумий мақсадлар йўлида биргаликда ҳаракат қилишга интилишини ифода этади. Бу ғоялар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний ва Абдурауф Фитрат каби ўзбек жадид маърифатпарварларининг миллий уйғониш, илм-маърифат, тил ва маданиятни ривожлантириш, жамият тараққиёти йўлида бирлашиш ҳақидаги қарашлари билан ҳамоҳангдир.

Шу маънода, Анқара саммити туркий халқларни боғлаб турувчи муштарак тарихий-маданий меросга таянган ҳолда давлатлар ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишончни ошириш ва кўп томонлама ҳамкорликни аниқ амалий натижалар билан бойитиш учун муҳим имконият яратади.

Саммитда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарлари, кузатувчи давлатлар вакиллари ҳамда ТДТнинг тегишли тузилмалари раҳбарлари иштирок этади.

Саммит кун тартибининг асосий мазмуни туркий давлатлар ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини баҳолаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилашдан иборат бўлади.

Бунда сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт йўлакларининг самарадорлиги, рақамли технологиялар, энергетика хавфсизлиги ва маданий яқинлик масалалари муҳим ўрин тутиши кутилмоқда.

Туркиядаги йиғилишда якуний декларацияни қабул қилиш, ТДТ Бош котиби ва унинг ўринбосарлари номзодларини тасдиқлаш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2027 йилни ТДТ доирасида “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббус саммит декларациясида ўз аксини топиши кутилмоқда.

Анқара саммитининг яна бир муҳим жиҳати — туркий давлатларнинг ўзаро бирдамлигини амалий лойиҳалар орқали мустаҳкамлашдир. Зеро, ташкилотнинг самарадорлиги савдо ҳажмининг ўсиши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, транспорт жараёнларининг соддалаштирилиши ва аҳоли ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши билан белгиланади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, туркий тилли давлатлар раҳбарларининг биринчи саммити 1992 йил Анқара шаҳрида ўтказилган. Ушбу учрашув туркий давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни шакллантиришда муҳим қадам бўлди.

Кейинги саммитлар 1994 йил Истанбулда, 1995 йил Бишкекда, 1996 йил Тошкентда, 1998 йил Остонада, 2000 йил Бокуда, 2001 йил Истанбулда, 2006 йил Анталияда ва 2009 йил Нахичеванда ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилдаги Туркий тилли давлатлар саммитида иштирок этганидан сўнг 2019 йилда Ўзбекистон ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиб кирди. 2021 йил Истанбулда ўтказилган саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини Туркий давлатлар ташкилоти деб қайта номлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ўзгариш ташкилотнинг халқаро мақоми ва ҳамкорлик қамровини ифодаловчи муҳим босқич бўлди.

Бугунги кунда ТДТнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ҳамда савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Ҳозирда ТДТга аъзо давлатларнинг умумий майдони 4,25 миллион квадрат километрдан ошади, аҳолиси 170 миллиондан зиёд. 2025 йилда ушбу мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми қарийб 2,3 триллион АҚШ долларини, ташқи савдо айланмаси эса 1,2 триллион доллардан ортиқни ташкил этди.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни тарихий ва маданий яқинлик билан чеклаб қўймасдан, уни иқтисодий тараққиёт, инвестиция, транспорт, инновация ва минтақавий барқарорликка хизмат қилувчи амалий механизмлар билан бойитишга интилиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилдаги Туркий тилли давлатлар саммитида иштирок этганидан сўнг 2019 йилда Ўзбекистон ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиб кирди. 2021 йил Истанбулда ўтказилган саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини Туркий давлатлар ташкилоти деб қайта номлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ўзгариш ташкилотнинг халқаро мақоми ва ҳамкорлик қамровини ифодаловчи муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо мамлакатлар ҳамда Туркманистон ва Венгрия билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилдаги 4,13 миллиард доллардан 2025 йилда 10,82 миллиард долларга етди. 2026 йилнинг январь-июль ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, шерик мамлакатларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштироки кенгайиб бормоқда. 2026 йил август ҳолатига кўра, юртимизда ушбу давлатлар капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 4871 тани ташкил этди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар ташкилот фаолиятини аниқ мақсад ва натижаларга йўналтириш, мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш ҳамда аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Ўзбекистон етакчиси томонидан 2019 йилдан буён юздан ортиқ ташаббус илгари сурилган. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш бўйича “Йўл хариталари” қабул қилинган.

Ўзбекистон ташаббусларининг муҳим йўналишларидан бири туркий халқларнинг умумий тарихий хотираси, маданий мероси ва маънавий қадриятларини асраб-авайлашдан иборат. Бу борада “Туркий дунё хартияси”нинг қабул қилиниши, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг таъсис этилиши, туркий давлатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат юз жилдлик китоблар туркумининг нашр қилиниши муҳим натижалар ҳисобланади.

2022 йил Ўзбекистон Самарқанд шаҳрида ТДТ саммити мезбони сифатида ташкилотга раислик қилди. Саммит чоғида Ўзбекистон Президенти қўшилган қиймат яратадиган ишлаб чиқариш занжирларини барпо этиш ҳамда тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш орқали учинчи давлатлар бозорларига чиқиш бўйича қатор таклифлар билдирди.

Самарқанд шаҳрига доимий асосда “Туркий цивилизация пойтахти” мақомининг берилиши Ўзбекистоннинг умумий тарихий ва маданий меросни халқаро миқёсда тарғиб қилишга қўшаётган ҳиссасини ифодалайди. Хива шаҳрининг 2020-2021 йилларда “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” деб эълон қилиниши ҳам ушбу йўналишдаги муҳим ташаббуслардан биридир.

2024 йилги Бишкек саммитида Президентимиз узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишнинг сиёсий асосини мустаҳкамлайдиган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ташаббусини илгари сурди.

2025 йилда Ўзбекистон аъзо давлатлар ишбилармонлик доиралари ўртасидаги тўғридан тўғри алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қатор механизмлар ташаббускори бўлди. Жумладан, Будапештда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Президенти туркий давлатлар ўртасидаги савдо учун “TURK-TRADE” платформасини яратиш, Саноат кооперацияси дастурини тайёрлаш, ягона инвестиция порталини ишга туширишни таклиф қилди.

Бу таклифлар бизнес ҳамкорларини изламасдан бошлаб, инвестиция имкониятларини намойиш этиш ҳамда қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишгача бўлган ўзаро ҳамкорликнинг изчил босқичларини қамраб олади.

Ўзбекистон ва шерик давлатлар ўртасидаги икки томонлама инвестициявий муносабатлар ишлаб чиқариш қуввати ва объектларини ривожлантириш учун муҳим асос яратади. Масалан, 2025 йилда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон ва Венгриядан киритилган инвестициялар ҳажми қарийб 4,29 миллиард долларни ташкил этди.

2026 йилда умумий қиймати 17,24 миллиард долларлик 280 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳалар доирасида январь-август ойларида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3,84 миллиард долларга етди.

Транспорт соҳасида ТДТ миқёсидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли амалий модели сифатида электрон рухсатномалар тизими (E-Permit) ишга туширилди. Бу тизим дастлаб Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги қўшма лойиҳа сифатида бошланди. Кейинчалик унинг қўлланиш доираси кенгайди ва ҳозирда ташкилотнинг барча аъзо давлатлари ўртасидаги транспорт қатновларини қамраб олмоқда.

Транспорт тармоқлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни янада ривожлантириш тарифлар ва йиғимларни мувофиқлаштириш, божхона муомалаларини рақамлаштириш ҳамда логистика марказлари фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу боис, Ўзбекистон “Ўрта йўлак”-ни айни пайтда қурилиши давом этаётган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ҳамда келажакда ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган Трансафғон транспорт йўлаги лойиҳаси билан боғлашни таклиф қилмоқда.

2026 йил Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Президенти минтақавий маълумотлар марказларини юқори тезликдаги алоқа тармоқлари орқали боғлашни назарда тутувчи “Туркий рақамли йўлак” лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Бу ташаббуслар келажакдаги иқтисодий ўсишнинг истиқболли манбаларидан бири — бир неча бозорларда фаолият юритиш ва кенгайиш имконига эга бўлган технологиялар, инновациялар ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Мамлакатимиз томонидан билдирилаётган ташаббуслар ТДТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзбек маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларнинг минтақавий ва халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Анқарада ўтказиладиган ТДТнинг 13-саммити доирасида сиёсий мулоқотни давом эттириш билан бир қаторда, аввал илгари сурилган ташаббусларнинг ижросини жадаллаштириш ва янги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш назарда тутилган.

Энг муҳими, туркий давлатлар ҳамкорлигининг келгуси натижалари қабул қилинадиган ҳужжатлар сони билан эмас, балки уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, халқлар фаровонлигига қўшадиган ҳиссаси ва умумий тараққиёт учун яратадиган имкониятлари билан баҳоланади.

“Дунё” АА

Фахр

БУГУНГИ МУРАББИЙЛИК

зиммамизга ҳар қачонгидан кўп масъулият юклайди



Бошланиши 1-бетда

Кейинги илмий изланишларимни витилиго касаллиги — теридаги оқ доғлар пайдо бўлишининг сабабларини ўрганиш ҳамда уни даволаш имкониятлари тадқиқига қаратдим. Ўрганишларим самараси ўлароқ, 1989 йили “Иссиқ иқлим шароитида витилигонинг ривожланиши ва кечишида гормонал бузилишларнинг ўрни ҳамда комплекс фотохимиотерапия усулини ишлаб чиқиш” мавзусида докторлик диссертациямни ёқладим. Ушбу тадқиқотлар асосида Тошкентда “Купир” номли янги дори ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг тавсия этилди. Янги даволаш усули шифокорларимизга дунёда биринчилар қатори витилиго билан оғриган беморларни самарали даволаш имконияти мавжудлигини ишонч билан айтишга асос бўлди.

Ўша йили раҳбарлик лавозимларига таклифлар бўлди. Бироқ ўзим севган шифокорлик ва илм-фан йўлини давом эттирдим. Ўзбекистон дерматовенерологлар ассоциациясига асос солиб, 10 йилдан зиёд вақт унинг президенти сифатида фаолият юритдим. Айни пайтда ҳам севимли олий таълим муассасамда профессор сифатида бўлажак тиббиёт ходимлари билан биргаман.

Кўплаб шогирдлар, жумладан, 7 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 29 нафар тиббиёт фанлари номзодини тайёрладим. 9 та ихтиро, 400 дан ортиқ илмий мақола, шифокорлар учун 18 та услубий қўлланма, 12 та монография муаллифиман. Университет талабалари учун уч тилда дерматовенерология бўйича дарслигим ва 18 та ўқув қўлланмам чоп этилгани ва улардан ёшлар фойдаланаётганидан бениҳоя хурсандман.

Меҳнатим давлатимиз томонидан юксак эътироф этилиб, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландим. Энди эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонига эга бўлиб турибман. Бу зиммамга яна ҳам кўп масъулият юклайди. Зеро, бугуннинг ёшларига тўғри йўл кўрсатиш, мураббийлик қилиш ҳар қачонгидан ҳам кўра изланишни талаб этади. Бу йўлда ишонч ва эътирофга яраша хизмат қилишга бор кучимни сафарбар этаман.

Адҳамжон ВАИСОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети профессори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Изҳор

Японияда бўлиб ўтган V ёзги Параосиё ўйинларидаги тарихий ютуқларимиз қувончи она Ватанимиздаги ўта кўтаринки кутиб олиш маросими завқига уланиб кетди. Йигирма кунлик ўқув-йиғин машғулотлари, бир ҳафта давомидаги стресс, чарчоқдан ҳориган спортчиларимизнинг, биз — мураббийларнинг барча машаққати ювилиб кетгандек бўлди. Бизга давлатимиз раҳбари топшириғи билан энг замонавий, энг катта самолётлардан бири ажратилганининг ўзи параспорт қанчалар қадр топгани, спортчиларимизнинг ҳурмати нечоғлик эканини кўрсатди. Тўққиз соат учган бўлсак-да, йўл чарчоғини сезмадик.



ҒОЛИБЛИК ФАҚАТ СПОРТЧИГАГИНА БОҒЛИҚ ЭМАС

Тантанали кутиб олиш маросими аввалида эшитганимиз — давлатимиз раҳбарининг бизга йўллаган табриги барчамизни олдинда турган мусобақаларга, кейинги ғалабаларга руҳлантирди. Беллашувларда муҳим омил бўлган матонат, жасорат, Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилиш мақсадимиз алоҳида эътироф этилганидан мамнун бўлдик. 45 олтин, 49 кумуш ва 51 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаганимиз тарихий натижа сифатида баҳолангани бизга янада кўтаринкилик бағишлади. Ҳатто шу ернинг ўзидан тўғри стадионга бориб, машғулотларни давом эттиргимиз келадиган даражада тўлқинландик. Чунки паралимпия ўйинларига кўп вақт қолмади.

Куни кеча очилиш маросими бўлиб ўтган II Президент олимпиадасида ҳам байрамона безатилган стадионга ҳудудий терма жамоалар, параосиё ўйинлари ғолиблари саф тортиб чиққани жуда ҳаяжонли бўлди. Катта майдонда давлатимиз раҳбарининг “Бугун параспортчи ўғил-қизларимизнинг матонати ва жасоратини ҳам алоҳида эътироф этмоқчиман”, деган сўзларини ва кўплаб параспортчиларнинг номини юзлаб бўлғуси спортчилар эшитди. Параосиё ўйинларида иштирок этган ҳамма спортчилар ва ота-оналари, мураббийларига миннатдорлик билдирилди. Мамлакатнинг энг нуфузли спорт олимпиадасидаги бундай эътироф спортдаги тенгликнинг яна бир ёрқин исботи бўлди.

Бугун паралимпия спортига қаратилаётган эътиборни кўриб, узоқ йиллар параспортчилар назардан четда қолгани, шу боис, бу йўналишда сезиларли силжиш бўлмагани, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳозиргидек муносабат кўрсатилмагани сабаби ҳақида ўйлаб қоламан. Ҳозир ғамхўрлик туфайли параспортимиз ривожланиб, дунёга танилди. Чет эллик мураббийлар, рақиб жамоалар ҳайрат билан биздаги бундай кескин ўсиш сабаби ҳақида кўп сўрайди. Уларга “Бизнинг ҳар бир соҳани, фарзандларини, халқини ардоқлайдиган ва меҳрини эртамиз эгаларига улашадиган Президентимиз бор” деб мақтанамиз. Зеро, бундай ўсиш, қатор ғалабалар фақат мураббий ёки иқтидорли спортчининг меҳнати эвазигагина бўлмайди. Спортчига шарт-шароит яратилмаса, қандай қилиб дунёга чиқамиз, маҳоратимизни қаерда кўрсатамиз?!



Тўғри, спорт катта харажат талаб қилади, лекин миллат имижи, давлатнинг, халқнинг характерини кўрсатадиган соҳа бўлгани учун Президентимиз бу йўлда қанча маблағ керак бўлса, ажратяпти. Бу тўғри ва оқилона сиёсат сабаб спортни ривожлантириш ва келажагимизни у орқали соғломлаштиришга эришяпмиз. Халқимиз орасида спортга оммавий қизиқиш уйғонди. Энг муҳими, ногиронлиги бор фарзандларини ҳам спорт мактабларига бемалол етаклаб келадиган ота-оналар сони сезиларли ортди. Жамиятимизда инклюзив муҳит яратишга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги ортидан бундай болалар ўз тенгдошларига эмин-эркин қўшилиб, улар орасида ўз ўрнини топишга интиляпти. Хусусан, спортда бу тенглик тарихда кузатилмаган натижаларга сабаб бўляпти. Шундай экан, юртимиз параспортининг келажаги ёруғ, мақсади аниқ.

Сардор АБДУХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон параенгил атлетика терма жамоаси бош мураббийи

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Янги Ўзбекистон руҳи

Биз жуда катта йўлга чиқдик. Энди орқага қайтиш йўқ. Чунки бу йўлимиз тўғри эканлигини дунё тан оляпти! Бу йўлимиз тўғри эканлигини халқимиз ҳаёти фаровонлигининг кундан кунга ошиб бораётганлиги кўрсатиб турибди. Биз ҳамма соҳада баравар қадам ташлашимиз керак.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 29 октябрь, 224-сон

“БИЗ КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИК!”

ёхуд Президентимиздан бир соатлик сабоқ



Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Улар ўзлари ташаббус кўрсатяпти. Бу ҳазилакам гап эмас, юртимиздаги илмий салоҳиятнинг дунёнинг энг қудратли давлати томонидан эътирофи. Очиғи, қанчалик фидойи бўлмайлик, ислоҳотлар шитобига улгура олмай қоляпмиз...”.

Рустам Холмуродов ҳақ гапни айтди. Мамлакатимизда бошланган ислоҳотлар ўн йил ичида бутун дунёга бўй-басти билан намоён бўлди. Айниқса, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги ислоҳотлар самарасида мамлакатимизнинг том маънода янги тараққиёт даври бошланди.

Аслида, бу ҳақда жуда кўп ва хўп ёзиш мумкин. Зеро, бу борада босиб ўтилган йўл, чекилган машаққатли меҳнат, эришилган тарихий натижалар таҳлили бир неча ўн томлик китобларга сиғмайди. Шунинг учун биргина жиҳатни айтиш билан кифояланаман: мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилда 160 миллиард долларга етказиш режа қилинган эди. Буни қарангки, ушбу марра жорий йилнинг ўзида ортиғи билан бажарилиши ва Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши кутиляпти.

Гарчи бу каби иқтисодий ютуқлар биз учун тарихий, халқаро ҳамжамият учун эса глобал логистикадаги узилишлар ва дунёдаги нотинч вазият фонида сенсацион натижа ҳисобланса-да, буларни биринчи ўринга қўйиш адолатдан бўлмайди. Чунки энг катта ютуғимиз — Президентимиз ташаббуси ва қатъий талаблари асосида давлат ва халқ ўртасида ишонч қайта тикланган, жамиятдаги қўрқув ва ҳадик ўрнини халқимизга хос бунёдкорлик, тадбиркорлик, ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик туйғулари эгаллаганидир. Боя юқорида айтилган рақам ана шу бирлигимиз, юрт тақдирига дахлдорлигимиз, ҳамфикрлигимизнинг дастлабки самараси, холос.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам биз бугун уч минг йилдан ортиқ миллий давлатчилигимиз тарихидаги энг буюк эврилишлардан бирининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Келинг, бунга Самарқанд вилояти мисолида назар ташлайлик.

Шаҳар ва қишлоқ тафовути йўқоляпти

Ўтган ўн йил ичида ҳар бир туманда замонавий шаҳарчалар пайдо бўлди, истироҳат боғлари барпо этилди. “Янги Ўзбекистон” массивларида АТ марказлар ишлаб турибди. Самарқанд халқаро туризм маркази эндиликда дунё ҳамжамиятининг йирик анжуманлари, сиёсий мулоқотлар ўтказиладиган масканга айланди. Имом Бухорий мажмуаси қайтадан, буюк муҳаддиснинг ислом оламида тутган ўрнига монанд улуғвор тарзда барпо этилди.

Қишлоқларимизда тупроқ йўллар қолмади ҳисоб. Бугун Самарқанд далаларида етиштирилаётган ноз-неъматлар дунёга экспорт қилиняпти. Трикотаж маҳсулотлари ва паррандачиликда экспорт ҳажми йил сайин ошмоқда. Ҳар йили ўнлаб стартап лойиҳалар ишлаб чиқаришга жорий этилаётир. Бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигининг барча соҳасида ўзгаришлар бор. Бу ўзгаришларни ўз мутахассисларимиз, олимларимиз амалга оширмоқда.

Президентимиз сабоғи ҳақида гап борар экан, бир воқеа эсимга тушди. Шу йилнинг ёз ойларида Олмалиқда мисни бойитиш заводи ишга туширилди. Ушбу тадбирда мен ҳам иштирок этгандим. Шу ерда бир ҳолатдан хабар топдим — Шавкат Мирзиёев бундай корхона яратиш таклифини киритганда деярли барча мутахассислар бу ишнинг самараси йўқлигини айтган.

Аммо Президентимиз Чилида саккиз йил давомида қурилган ва ҳозирча дунёда ягона ҳисобланган шундай завод ҳамда унинг хомашёси масалаларини эринмасдан пухта ўрганган ва қатъий қарорга келган. Табиийки, юксак технологиялар ривожланган давлатлардан услубий ёрдам сўралган. Натижада Олмалиқдаги завод Чилидаги каби саккиз эмас, балки тўрт йилда қуриб битказилди. Бу ишни Ўзбекистон олимлари, мутахассислари, муҳандислари бажарди. Бу сабоқ соҳа мутахассислари ишончини янада мустаҳкамлади.



Улар эндиликда заводнинг иккинчи блокини барпо этмоқда.

Президентимизнинг бизга берган яна бир сабоғини эсламасдан иложим йўқ. Самарқанд вилоятида биринчи раҳбар бўлган йилларида ҳар бир соҳага шу тизимда тажриба орттирган фидойи пенсионерларни жалб этиб, маслаҳат кенгашлари тузди. Кенгашлар жойларда ишларни ташкил этишга кўмаклашиш баробарида жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширди. Минерал ўғитга пул топилмаган чоғда Каттақўрғон шаҳрида фаолиятини тугатган чорвачилик мажмуасида йиллар давомида тўпланиб қолган жуда катта миқдордаги органик ўғитни далаларга ташиш ташкил этилди.

Айниқса, Самарқанд шаҳрини ободонлаштиришда ҳатто ўзимиз ишонмаган ишни бажариб кўрсатди, яъни вилоят жамоатчилиги ёрдамида шаҳар кўчалари тартибга келтирилди, чиқиндидан тозаланди. Аста-секин бу иш шаҳар ташкилотлари томонидан тизимли йўлга қўйилди. Бугун кўҳна кентдаги нафосат, гўзаллик, обод ва тоза кўчалар айнан ўша даврда бошланган ҳаракатлар самарасидир.

Маънавий жасорат

Давлатимиз раҳбарининг халқаро майдондаги сабоқлари ҳам эътиборли. Айниқса, ҳар бир давлат ўз манфаати учун жиддий сиёсат юритаётган бир пайтда муносабатларда ҳалоллик ва ҳамкорликни таъминлай олиш осон иш эмас. Бунинг учун икки томонлама жуда катта ишонч керак.

Ана шундай нозик бир пайтда давлатимиз раҳбари ўзбекларга хос бағрикенглигини намойиш қилди. Аввалига иккиланган давлат раҳбарлари ҳам ҳаракатларимиздаги самимиятни кўриб, бизга мойиллик билдирди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида қисқа фурсатда йўлга қўйилган ҳамкорлик бунинг яққол мисолидир.

Халқаро сабоқ деганимнинг сабаби бор. Давлатимиз раҳбари бошқа давлатлар билан ҳамкорлик бир марталик эмас, балки доимий ва стратегик шериклик даражасида бўлишига эриша олди. Аввало, бу муносабатларнинг илмий-амалий концепцияси ишлаб чиқилди. Бунда эҳтиёжларимиз, имкониятларимиз пухта ўрганилди. Натижада жуда кўплаб давлатлар билан стратегик, олий даражадаги ҳамкорлик ўрнатилди.

АҚШ давлат котиби Марко Рубионинг Ўзбекистонга, аниқроғи, Самарқандга 200 дан зиёд ишбилармон билан бирга келиши — тарихий воқеа. Унинг ўзи таъкидлаганидек, АҚШнинг бундай катта делегацияси шу пайтгача бирорта давлатга амалий ташриф билан бормаган. Бунинг устига, уларнинг кейинги йиллардаги бу тарздаги ташрифлари фавқулодда ҳолат рўй берган давлатларгагина бўлган. Ўзбекистонга эса улар айнан ўз тижоратини ривожлантириш, шунинг баробарида Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, барча соҳада демократик ислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатни қўллаб-қувватлаш учун келди.

Сабоқлар... сабоқлар... сабоқлар... Улар бизнинг нуқтаи назаримизни ўзгартирди. Улар ҳаётга қарашимизни бошқача қилди. Улар масъулиятимизни кучайтирди. Улар тараққиёт учун ҳамиша кураш олиб боришимизни эслатиб турди. Сабоқ маъруза ўқиш, кимгадир ниманидир зўр бериб тушунтириш эмас, одамларни реал ҳаётга, янгиликка ишонтириш. Сабоқ маънавий жасорат билан боғлиқ. Юртини, халқини севмаган одам бундай хислатга эга бўлмайди.

Бир ўйлаб кўринг, конвертацияни очиб юбориш учун ўша даврда йиллар давомида ана шу яширин иқтисодиётдан мўмай даромад олиб турган қанчалаб нопок раҳбарларга ёмон кўриниш ёки ўша тизимни қанчалик шиддат билан ислоҳ қилиш керак эди. Тошкент шаҳри “прописка”сини очишда ҳам ана шундай жасорат зарур эди. Ишбилармонларни текширишга, дарахтларни кесишга мораторий эълон қилинишими-чи?

Президентимиз ана шу жараёнларда ўзида жасорат топа олди. Чунки мамлакатдаги ҳур фикрловчи инсонларга, халқига ишонди. Натижада биз ўз тақдиримизни ўзимиз ўзгартира бошладик ва бугун мамлакат миқёсидаги лойиҳаларда бутун Ўзбекистон иштирок этяпти десам, муболаға бўлмайди.

“Ярмини биз кўтарамиз”

Мамлакатимиз етакчисининг яна бир ибратли сабоғи эсимдан чиқмайди. 2002 йилнинг баҳори. Пахтачида мен ўқиган мактабда ўқув биносининг катта қисми кучли ёмғир туфайли ўпирилиб тушди. Шавкат Мирзиёев вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида эртасигаёқ ўша ерга борди.

Иморат эски, таъмири учун ҳам анчагина маблағ керак. Дарсларни тўхтатиб бўлмайди. Нима қилиш керак? Шунда ушбу мактабда ўқиган ишбилармонлар ҳамда хўжалик раҳбари Фотима Тўхтапўлатовани маслаҳатга таклиф этди. Ҳамма ўз фикрини айтди. Ҳудуд бўйича ҳоким ўринбосари маблағ камлигини билдирди. Шавкат Мирзиёев масаланинг долзарблигини айтиб, қўлидан келганича ёрдам беришини тушунтирди. Хўжалик раиси ва тадбиркорлар харажатнинг ярмини кўтарадиган бўлди ва натижада мактаб биноси қисқа фурсатда таъмирдан чиқарилди.

Ўшандан кейин жуда кўп жойларда муаммони ҳал қилишда жамоатчилик, фаоллар, тадбиркорлар вилоят ҳокими билан учрашувда “ярмини биз кўтарамиз” ташаббуси билан чиқа бошлади. Бюджет маблағлари тақчил бир вақтда бу ташаббус катта самара берди. Бугун эса мактаблар, болалар боғчалари қурилиши ва таъмирига етарлича маблағ ажратиляпти. Бу сабоқ ҳам ана шундай хайрли ишларнинг бошланишига асос бўлган эди.

Сайёҳлик — асосий тармоқлардан бири

Самарқанд давлат тиббиёт университети профессори, университет биринчи клиникаси бош врачи Наргиза Абдуллаева халқаро сайёҳликдаги ислоҳотлар самараси шифохоналаргача етиб келганини айтди. Жумладан, ўтган йили ушбу шифохонада даволанганларнинг 12 фоизини, жорий йилнинг ҳозиргача бўлган даврида 30 фоизини хорижликлар ташкил қилган. Эндиликда Самарқандда энг мураккаб жарроҳлик операциялари амалга оширилмоқда. Бунинг учун Америка, Ҳиндистон ва Германияга боришга ҳожат қолмаяпти.

Бу мулоҳазадан кейин Президентимиз вилоятга ҳоким бўлиб келганидаги бир воқеани эслади. Чарчоқ туфайли юрагида безовталик сезган ва 1-клиникага борган. Ҳоким шифокор Анита Цой эски ЭКГ ускунасидан фойдаланганини кўриб, ҳайрон қолади. Самарқанддек жойда тиббиётнинг аҳволи оғирлигидан афсус чекади. Кейинчалик бош врач Нурмамат Абдуллаев билан биргаликда шифохонани замонавий ускуналар билан жиҳозлашга киришади. Ўша ҳаракатларнинг самараси бугун ҳаммага аён: Самарқандда энди буйрак ва жигар кўчириб ўтказиш операциялари амалга оширилмоқда.

— Яқинда хориждаги анжуманда бир давлатнинг раҳбари мендан “Ҳаракатларингиз ёмон эмас, бир йилда уч миллионга яқин сайёҳ келаётгандир?” деб сўради. Мен унга бу рақам беш миллиондан ошганини айтдим, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу бор гап. Эсимда, 2016 йилда мамлакатимизга бор-йўғи 650 минг сайёҳ келган. Шароитини қилган эдик, беш миллионга етди. Имом Бухорий мажмуаси ишга тушгач, биргина Индонезиянинг ўзидан қарийб беш миллион зиёратчи кутяпмиз. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Халқаро сайёҳлик ва сайёҳлик индустрияси жуда катта даромад келтиряпти. Шунинг учун биз уни ҳам қадрлашимиз, ҳам ривожлантиришимиз керак.

Президентимизнинг меҳр билан айтаётган мулоҳазаларини тинглар эканман, кўз олдимда мен учун қадрли йиллар гавдалана бошлади. Эски тизимда Самарқандга хориждан нуқул кекса сайёҳлар келарди. Улар ҳам Регистондан бошқа обидаларга деярли бормасди.

Энди эса хорижлик сайёҳлар бу заминга оиласи билан ташриф буюрмоқда. Самарқандга халқаро анжуманга келган давлат раҳбарларидан бирининг интервьюсида “Ўзбекистонга Худонинг назари тушганлиги рост. Сизларга шундай фидойи, ақлли, дипломат инсонни раҳбар қилиб қўйган. Бу одам қисқа вақт ичида бутун дунё давлатлари раҳбарларининг ҳамкорликка нисбатан нуқтаи назарини ҳам ўзгартириб юборди. Мендаги ҳисоб-китобларга кўра, дунёдаги давлатлар раҳбарларининг ярмидан кўпи Ўзбекистонга келиб-кетди. Биз ҳавас қиламиз бундай Президентга”, деган гаплари ҳали-ҳамон қалбимга ғурур бағишлайди.

Пахта майдонлари 40 фоиз қисқарди, ҳосил салмоғи камаймади

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги фахрийси Тўхта Худойназаров билан самимий суҳбати барчамиз учун чинакам сабоқ бўлди. Бугунги кунда картошкачиликда эришилаётган ютуқлар айтиб ўтилди. Зеро, энди Ўзбекистон деҳқонлари аҳолини картошка билан тўла таъминлаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг пахтачиликда ислоҳотлар давом эттирилиши кераклиги ҳақидаги фикрлари барчамизга манзур бўлди.

— Бугун шахсан мен пахта масаласи билан шуғулланганим йўқ, — деди Президентимиз. — Ҳокимлар ҳам шуғулланмайди. Кластер ўзи буюртма беряпти, ўзи териб оляпти, ҳосилни қайта ишлаб, маҳсулотини сотиш билан банд. Назаримда ҳали ҳам пахта майдонларимиз мавжуд корхоналар эҳтиёжидан баланд. Ғўза экиладиган майдонларни босқичма-босқич камайтириб бориш керак, токи одамлар ўзлари манфаат кўрадиган экинларни эксин. Лекин бу ишда ҳам режа пухта бўлиши керак. Биз даромад берадиган экинларни танлашимиз, бозорини пухта ўрганишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон шароитида ердан уч-тўрт мартагача ҳосил олиш мумкинлигини, бунинг учун неъматларни хорижга тезда чиқариш йўлини топиш кераклигини, яъни логистикани оқилона ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бунда харажатлар қисқаради, одамларнинг узоғи яқин бўлади. Мамлакатимиз етакчиси Самарқандда барпо этилган янги кўприк ҳам кўп йиллик орзуси эканини яширмади.

...Пахта масаласи йиллар давомида халқимизнинг дарду истиробига айланди. Беш миллион тонна пахта ҳосили етиштирган деҳқоннинг косаси оқармади. Аксинча, хомашё қулига айланди. Ташкилот раҳбарлари ўз касби ёки мутахассислигини, идорасини уддалamaганлиги учун эмас, балки жамоасини пахта йиғим-теримига сафарбар қила олмагани учун ишдан олинарди. Ҳатто ўқув юртларига раҳбар тайинлашда, энг аввало, унинг ўз ходимларини ана шу мавсумга жалб қила олиш қобилиятига эътибор қаратиларди. Аянчлиси шундаки, бу соҳадаги режа 99,99 фоиз бўлганда ҳам ҳисобга ўтмас, ўша хўжалик, туман, вилоят “режани бажармаган” тамғаси билан жуда кўп рағбатлардан қуруқ қоларди. Натижада режани бажариб қўйиш учун мингта ҳийла ўйлаб топиларди.

Шукрки, Президентимиз ана шу дардимизга малҳам бўлди. Пахта масаласида давлат монополияси бекор қилинди, аёллар, болалар меҳнатига барҳам берилди.

Ғуруримизнинг боиси шуки, биз бу ислоҳот бошланганини ҳис қилиб, унга гувоҳ бўлиб турибмиз. Мисол учун, Самарқанд вилоятида кейинги 5-6 йил ичида пахта экиладиган майдонлар 40 фоиз қисқарди. Лекин ҳосилдорлик ошгани ҳисобига ҳосил салмоғи камайган эмас. Аввал Самарқанд шаҳар кунини пахта далаларида нишонлар эдик. Бу тадбир ҳам тушликда тортиладиган ошдан, хонанда ижро этадиган 4-5 та ашуладан нарига ўтмасди. Бугун эса биз давлатимиз раҳбарини ана шу байрам билан шаҳар чеккасида қад кўтарган замонавий кошона устида табрикладик. Бундай ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирдик.

Бугун шунчаки яшаб бўлмайди

Ҳаммамиз улкан ислоҳотлар натижасини кундан кунга яққол сезиб бораётган юртдошларимиз фикрини айтишга улгурдик. Халқаро шахмат олимпиадаси ғолиби Афрўза Ҳамдамова Самарқанддаги олимпиада тарихий экани билан фахрланиб, келгуси сафар ўзбекистонлик хотин-қизлар жамоаси ҳам чемпион бўлишга қодирлигини ишонч билан айтди. Жойларда очилаётган шахмат марказлари ёшларнинг энг севимли масканларига айлангани ҳам фикримиз исботидир.

Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов эса Самарқанд шаҳрини кенгайтириш, инфратузилмасини юксалтириш борасидаги ишлар одамларнинг ҳаётга қарашларини ўзгартираётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, дарахт ва гулларнинг янги навлари айнан ўз лабораторияларимиз, ўз хўжаликларимизда етиштирилаётгани, қурилиш саноатимизда экспортчилар пайдо бўлгани хурсандлик билан қайд этилди.

Шу ўринда янги кўприк ҳақида тўхталсам: у М39 трассаси билан боғланган. Кўприкнинг нариги томони — Оқдарё билан Қорадарё ўртасида Ширин қўрғончаси жойлашган. Ана шу майдон келгусида вилоятнинг маъмурий маркази бўлади. Бу ерда камида 180 минг аҳоли истиқомат қилади, “ақлли” шаҳар бунёд этилади. Ҳозиргача Самарқанд шаҳри ҳудудига кирувчи бу маскан аҳолиси вилоят марказига йигирма километрли айланма йўл орқали қатнаётган эди. Яна бир янгилик: бу ердаги қурилиш ишларига худди Янги Тошкентдаги каби имтиёзлар жорий этилади.

Мамлакатимиз етакчиси давлатимиз, халқимиз олдида турган улкан вазифаларни санаб ўтди. Ҳар бир ишда лойиҳаларни пухта ўйлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Мисол учун, тежамкор электр станцияси ўрнатяпмизми, демак, одамларни ҳам бу неъматни тежашга ўргатишимиз лозим. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмизми, унинг логистикасини тўғри йўлга қўйишимиз керак. Янги ўқув юртлари очяпмизми, унда албатта замон талабига мос мутахассис тайёрлашимиз зарур. Бу даврда йўл-йўлакай, шунчаки яшаб бўлмайди. Халқаро муҳит доимо рақобатни талаб қилади. Биз ўзимизни ҳам, халқимизни ҳам ана шу рақобатга тайёрлай олишимиз шарт.

Бу масканда маърифат, илм бор

Давлатимиз раҳбарининг янгидан барпо қилинаётган Имом Мотуридий зиёратгоҳидаги суҳбатлари ҳам чинакам сабоқ бўлди. Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган ушбу манзил Чокардиза қабристонида ётган тўрт мингдан зиёд улуғ шайх руҳи сабабли ҳам дилимизга ўзгача сурур бахш этди.

— Бундай буюк қадамжоларни обод қилиш замирида катта маънавият, маърифат, таълим ва илм бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Одамлар бу ерга келиб нафақат зиёрат қилсин, балки билим олсин, ўзлигини англасин!

Президентимиз Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний мақбараларини кўздан кечирар экан, биз ва фарзандларимиз мустаҳкам эътиқодли, маърифатли, илмли бўлишимиз зарурлигига алоҳида урғу берди. Бунинг учун зиёлилар алломалар меросини мунтазам тарғиб қилиши, одамлар эса бундай меросдан доимо баҳраманд бўлиши зарур. Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий мажмуасидаги замонавий музейларнинг таъсирчан кучи халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бу масканларга ташриф буюрган киши қайтиш чоғида маънавий жиҳатдан анча ўсган бўлиши керак.

Шунингдек, мажмуани, атрофидаги инфратузилмани замонга мослаб қуриш, зиёратчиларга барча қулайликларни яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди. Дарвоқе, хориждан келтирилган ёки ўзимизда кўпайтирилган майса-чим сувни кўп талаб қиларкан ва уни жуда тез буғлантириб юборар экан, шу сабабли давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бутасимон гул ва ўсимликларни кўпайтиришни маслаҳат берди. Бунда сувни тежаш баробарида қишин-ёзин яшилликни сақлаб туриш имкони бор.

Гарчи турли мажлис ва халқаро анжуманларда нутқ, мулоҳаза, ҳатто Самарқандга ташриф буюрганида жамоатчиликка ҳавола этган фикрларидан мунтазам хабардор бўлсам-да, шиддатли замонанинг ҳозирги ҳолатида Президентимиздаги шижоат ва ғайратни, ўктамликни, энг муҳими, халқаро ҳолатга теран муносабатни кўриб ғурурландим. Қарийб бир соатлик мулоқот давомида олган маълумот ва мулоҳазалар шууримни бойитди. Суҳбат жараёнида давлатимиз раҳбари таълим ва илм-фандаги ислоҳотларнинг моҳиятини ҳам жуда равшан тушунтирди.

— Катта машаққат билан бўлса-да, давлат идоралари ходимларини маҳаллага тушириш чораларини кўряпман ва бу мақсадга муайян даражада эришяпмиз. Таълим ва илм-фан вазирлигининг асосий вазифаси давлат ва жамоат ташкилотларини ҳамда ота-оналарнинг эътиборини мактабга қаратиш ва уларни илм масканларига жалб қилишдир. Тўғри, билим — катта нажот, лекин фарзандларимизда унга эҳтиёж уйғота билиш жамиятнинг муқаддас вазифаси саналади. Бугун эришган натижаларимиз бундай ишларни ҳам бажара олишимизга ишонч уйғотади.

Хайрлашиш чоғида Президентимиз айтган сўзлар бир соатлик суҳбат давомида олган завқу шавқимиз, сабоқларимизнинг чинакам якуни бўлди:

— Биз жуда катта йўлга чиқдик. Энди орқага қайтиш йўқ. Чунки бу йўлимиз тўғри эканлигини дунё тан оляпти! Бу йўлимиз тўғри эканлигини халқимиз ҳаёти фаровонлигининг кундан кунга ошиб бораётганлиги кўрсатиб турибди. Биз ҳамма соҳада баравар қадам ташлашимиз керак. Ҳар қандай муаммони ҳал қилишга қодир эканлигимизга ишонч ҳосил қилишимиз лозим. Бу борада самарқандликларга катта ишонч билдираман!

2026 йил 29 октябрь, 224-сон

Бугун шаҳар ва қишлоқларимизни кезсангиз, ислоҳотлар нафаси одамлар юз-кўзида, кундалик турмуш тарзида акс этаётганига гувоҳ бўласиз. Яқиндагина ишсизликдан эзилиб юрган йигит бугун “еттилик” кўмагида ҳовлисида устахона очиб, ошна-оғайнисини ҳам ишли қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Фармон ва ижро

МАҲАЛЛА ҚАДР ТОПАЁТГАН МАҲАЛЛАР

Сарғайган шохга бўёқ эмас, сув керак

Тонг саҳардан ҳовлига сув сепиб, барака кириши учун дарвозани ланг очадиган момоларимиз дуосида ҳамиша бир илтижо янграйди: илоҳим, хонадонимиз тинч бўлсин, ҳеч ким касал бўлмасин, болаларимизнинг куни бировга қолмасин. Асрлар оша халқимизнинг бор қувончию дил тубига чўккан оғриқлари айнан шу маҳалла тупроғида, пастқам деворлар ортидаги ҳовлиларда кечган. Зеро, инсон тақдири ва юрт фаровонлиги ҳақида сўз кетса, минбарлардаги позитив кайфиятдаги ҳисоботлар эмас, оддий одамлар хонадонидаги кайфият, дастурхонидаги қутбарака энг муҳим ўлчов бўлиб чиқади.

Келинг, яқин ўтмишдаги манзараларни бир ёдга олайлик. Қўлтиғига бир тўда қоғоз қистириб, туман марказида идорама идора сарсон санғиган оталар, қайси эшикни қоқишни билмай кутган оналар суврати ҳали кўпчиликнинг хотирасидан ўчгани йўқ. Ўша кезларда оддий одамлар ўз муаммоси билан ёлғиз қолар, қандайдир маълумотнома ёки оддий кўмак илинжида ойлаб югуришга мажбур бўларди. Энг алам қиладигани, муҳр босилган қоғозлар идорадан идорага кўчардию, асл муаммо ҳал қилинмасди.

Тажрибали боғбон дарахт япроғи сарғайганини кўрса, шохига яшил бўёқ суртиб ўтирмайди, дарҳол остига сув қуяди, тагини юмшатиб, қуёш тушишига йўл очади. Жамиятнинг асл илдизи, давлат аталмиш чинорнинг тириклик манбаи эса, шубҳасиз, маҳалладир. Чунки биргина оилага эртанги кунга ишончсизлик соя солса, мамлакат миқёсидаги энг йирик иқтисодий рақамлар ҳам савол остида қолади. Шу боис, янги давр ислоҳотларининг юраги бугун айнан маҳаллада урмоқда.

Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармонни ўқир экансиз, унинг замирида инсон қадрини қоғоздан реал ҳаётга кўчирадиган сиёсий ирода мужассамлигини сезасиз. Ҳужжатда маҳаллалардаги аҳоли муаммоларини хонадонбай ўрганиш ҳамда уларнинг давлат органлари томонидан ҳал этилишини онлайн назоратга олиш муҳим вазифа ўлароқ аниқ белгилаб берилган. Дарҳақиқат, одамларнинг муаммолари билан хонадонбай ишлаш механизми йиллар давомида ўзини оқлаб келмоқда.

Шу ўринда расмий тилда ифодаланган бу вазифа ортида қандай тирик тақдирлар, қандай инсоний кечинмалар ётганини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Дейлик, чекка қишлоқдаги оддийгина уйда яшовчи Гулмира опа турмуш ўртоғидан эрта айрилиб, уч фарзандини ёлғиз оёққа турғизишга уринарди. Ўзи қўлгул чевар бўлса-да, замонавий тикув машинаси олишга қўли калталик қилар, лекин ўзбекона андиша ва ғурур сабаб маҳалла идорасига бориб илтимос қилишга ийманарди. Халқимиз табиатида ана шундай сукутли хислат бор: ҳадеганда дардини дастурхон қилавермайди, бироқ меҳрли қўлларни ич-ичидан кутиб яшайди.

Янги тизимнинг инсонпарварлик моҳияти шундаки, энди давлат фуқаронинг идорага илтимос қилиб келишини кутмаяпти — ўша тортинчоқ, ташвишини ичига ютганларнинг хонадонига ўзи кириб боряпти. “Маҳалла еттилиги” аниқ режа асосида ҳар бир оила шароитини бирма-бир ўрганиш тартибига ўтгани Гулмира опага ўхшаган минглаб юртдошларимизнинг айтилмаган дардларини юзага чиқарди. “Еттилик” вакиллари бугун хонадонлар эшигини ҳисобот йиғиб юрадиган текширувчи қиёфасида эмас, оиланинг яқин сирдоши, оғирини енгил қиладиган чинакам суянч сифатида тақиллатяпти.

“Еттилик” вакиллари кириб келганида, хонадон эгасининг кўнглида тақдиримизга давлатимиз бефарқ эмас экан-ку деган ишонч уйғонади. Суҳбат чоғида ойдинлашган ҳар бир масала — хоҳ бандлик ёки саломатлик, хоҳ томорқани суғориш ташвиши бўлсин, ёндафтарга қайд этилганча унутилиб кетмаяпти. Ўрганилган муаммолар шу жойнинг ўзида “Рақамли маҳалла” электрон платформасига киритилиб, масала қонуний ва тизимли ечим сари йўл олмоқда.

Илгари қуйи бўғинда бирор муаммо ёндафтарга туширилса, стол устида сарғайиб ётиши, баъзан эса таниш-билишчилик ё лоқайдлик касрига қолиб, бутунлай эътибордан четда қолиши ҳеч гап эмасди. Инсон омили устун бўлган жойда гоҳ субъектив ёндашувлар, аввал ўзимга яқин одамимнинг ишини битиракалай деган майда манфаатлар учраб тургани ҳам, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат эди. Энди “Рақамли маҳалла” платформасига киритилган маълумот ҳеч кимнинг кайфияти ё шахсий хоҳиш-истагига бўйсунмайдиган шаффоф маконга тушади.

Платформага киритилган муаммолар сунъий интеллект ёрдамида тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга автоматик тақсимланади. Сунъий интеллектда эса юзхотирчилик, сансалорлик, масъулиятни бошқа ташкилот бўйнига ағдариш ёки мурожаатни кўрмасликка олиш каби қусурлар бўлмайди. Алгоритм ҳар бир масаланинг моҳиятини хатосиз таҳлил қилиб, ўша заҳоти масъул идоранинг иш столига қўяди. Натижада оддий инсон дарди билан давлат имконияти ўртасидаги сунъий тўсиқлар ўз-ўзидан барҳам топади.

Яна бир ҳаётий манзарани кўз олдимизга келтирайлик: қишлоқда яшайдиган Содиқ бобонинг кўчасидаги суви қувури эскирган ёки қайсидир набираси олийгоҳда ўқиш учун имтиёзли кредит олишнинг ҳадисини тушунмай сарсон бўлиб юрибди. “Маҳалла еттилиги” бу ҳолатни ўрганиб, платформага киритган пайтдаёқ тегишли вазирлик ёки идорада масала кўринади. Давлат органлари аҳоли муаммоларини ҳал этишга тўғридан тўғри жалб қилингани боис, маҳалладаги оддий хонадон билан республика даражасидаги йирик идора ўртасида жонли ва тез алоқа ўрнатилади.

Ҳеч бир масъул “бу масала бизнинг ваколатимизга кирмайди” деган эскича баҳона билан жавобгарликдан бўйин товлай олмайди. Негаки энди аҳоли муаммоларини ҳал этишни шу заҳоти тегишли идорага юклайдиган ва натижасини аниқ муддатда сўров қиладиган тизим мавжуд. Энг муҳими, масала узил-кесил ечимини топмагунча, ижроси назоратдан тушмайди. Содда айтганда, Содиқ бобонинг кўчасида сув илгаригидек оқмагунча ёки набирасининг таълим кредити ҳал қилиб берилмагунча, электрон тизим мутасаддиларга тинчлик бермайди.

Ушбу ислоҳотнинг энг таъсирчан, жамият руҳиятини ўзгартирадиган нуқтаси эса раҳбарлар фаолиятига бериладиган баҳо билан чамбарчас боғлиқ. Фармонда аҳолининг аниқланган муаммолари қанчалик ижобий ҳал этилаётгани вазирлик ва идоралар, хусусан, уларнинг раҳбарияти фаолиятини баҳолайдиган асосий мезонлардан бири этиб белгиланган. Энди шинамгина кабинетда ўтирган раҳбарнинг қанчалик самарали ишлаётганини унинг баландпарвоз маърузалари эмас, маҳалладаги оддий одамнинг розилиги кўрсатиб беряпти.

Ўйлаб кўринг-а, Гулмира опа тикув машинаси ололмаётгани ёки Содиқ бобонинг кўчасидаги носозлик амалдорнинг лавозимга қанчалик лойиқлигини ўлчайдиган тарозига айланиб бормоқда. Бордию фуқаро муаммоси вақтида ечим топмаса, соҳа раҳбарларининг йиллик фаолиятига ҳам ижобий баҳо қўйилмайди. Ана шундай қатъий талабчанлик давлат хизматчисининг дунёқарашини ўзгартиради, уни қуруқ қоғозбозликдан воз кечиб, халқ ичига киришга, ҳар бир рақам ортида тирик инсон тақдири турганини юракдан ҳис этишга ундайди.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимизни кезсангиз, ислоҳотлар нафаси одамлар юз-кўзида, кундалик турмуш тарзида акс этаётганига гувоҳ бўласиз. Яқиндагина ишсизликдан эзилиб юрган йигит бугун “еттилик” кўмагида ҳовлисида устахона очиб, ошна-оғайнисини ҳам ишли қилмоқда. Кеча фарзандини даволатиш учун қаердан нажот топишни билмай юрганлар бугун “Рақамли маҳалла” орқали тезкор йўлланма олиб, давлатнинг ғамхўрлигини юрагида ҳис этмоқда.

Хўш, инсон қачон жамиятни юксалтиришга чин дилдан бел боғлайди? Қачонки кўнгли хотиржам бўлса, рўзғоридаги кемтиклар тўлса ва ортида тоғдек суянчи — адолатли давлат турганини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшаса! Давлатимиз томонидан маҳаллага қаратилаётган эътибор замирида ҳам айнан шу ҳаётий ҳақиқат мужассам. Зеро, ёруғ келажак ҳар бир хонадон ободлиги ва одамларнинг бугунги ҳаётидан розилик туйғусидан бунёд бўлади.

Бугунги ўзбек маҳалласи оддий қўниқўшничилик масканигина эмас, янгиланаётган жамият юраги, фаровон келажак бунёд этилаётган манзилга айланмоқда. Ташкилот ва идораларнинг куч-салоҳияти ягона нуқтага — маҳалладаги оддий одамлар бахтига йўналтирилгани юртимизда янги юксалиш палласини бошлаб берди. Остонадан бошланган бу адолат ва эътибор эса эртанги ёруғ кунларимизнинг энг ишончли кафолатидир.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Муносабат

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Шу кунларда хаёлимга келмаган қувончли воқелик бўлди. Бу шунчалик тасаввур қилиб бўлмаски, ахир оддий бир боғбон йигит юксак давлат мукофоти олишни қаердан ҳам хаёлига келтирсин?! Янги Ўзбекистонимизда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнатни муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида мен ана шундай юксак эътирофга, ишончга сазовор бўлдим. Буни, энг аввало, Президентимизнинг халқпарварлигидан деб биламан.



Абдуманнон ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими

Соҳибкор маҳалламиз нафақат Қамаши туманида, балки Қашқадарёда биринчилардан бўлиб лимончиликни бошлаган ҳудудлардан бири. Ҳозир ҳам қишлоғимиздаги деярли барча хонадон ҳовлисида лимон экилган. Асосий драйверимиз ҳам шу йўналиш.

Ўттиз сотих томорқам бор. Унда, асосан, лимон кўчатлари етиштиришни йўлга қўйганман. Ҳар йили 15-20 минг туп ниҳол парваришлаб, сотувга чиқараман. Бунинг ортидан йилига 150-200 миллион сўм фойда оламиз. Ер ҳажми, воҳа шароитини ҳисобга олганда, бу яхшигина даромад. Шунинг учун бу иш билан оилавий бандмиз.

Янги иссиқхона қураётганлар кўпинча маслаҳат, баъзилари ёрдам сўрайди. Улар билан тажрибамни бўлишаман, зарур бўлса, иссиқхонасига бориб, кўчатларини экиб бераман. Ахир асосий ишим боғдорчилик, унинг ривожидан барча каби ўзим ҳам манфаатдорман.

Шу йил бошида Чим маҳалласида 4 гектарли иссиқхона қурилиши бошлангани ҳақида эшитгандим. Бир оз вақт ўтиб, менга шу жойга лимон экиб беришимни айтишди. Келишувга асосан, ўзим етиштирган тўрт минг туп кўчат экдик. Масъуллар ниҳолларни парваришлашда ҳам ёрдам сўради. Маҳалладаги ёшларга бўлиб берилгач, уларга ёрдамлашяпман.

Президентимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида Чим маҳалласидаги ишлар, жумладан, иссиқхона фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Шу жараёнда мендан лимончилик ҳақида сўради. Самимий суҳбатимиз давомида меҳнатимни эътироф этганидан жуда хурсанд бўлдим. Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида албатта меҳнатимни муносиб баҳолаш лозимлигини айтганди. Эртаси куни йиғилишда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан тақдирлади.

Ишонасизми, бундай бўлишини ҳеч кутмагандим. Ҳаяжондан шошиб қолдим. Кўзимдан севинч ёши тўхтамасди. Оддий бир боғбоннинг меҳнатини шахсан Президент эътиборга олиб, юксак мукофотлаши бошқа юртда бўлмаса керак. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлигимни билдираман. Меҳнатга муносиб рағбат янги марралар сари ундаши аниқ. Энди янада кўпроқ меҳнат қилиб, эътирофга муносиб бўлиш йўлида изланишда давом этаман.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР – халқ розилиги ва иқтисодий барқарорлик кафолати

Кейинги йилларда юртимизда аҳолига қулай, хавфсиз ва экологик тоза жамоат транспорти хизматининг сифатини ошириш учун кенг кўламли ишлар бажариляпти. Хусусан, охирги 3 йилда пойтахтимиз ва вилоят марказларига 2650 та замонавий электробус ва автобус олиб келинган. Бундай ислоҳотлар аҳоли кайфиятига ижобий таъсир қилиб, ҳудуднинг иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Таҳлил ва таққос



— Сурхондарё вилояти марказида транспорт хизматларини қулайлаштириш, хавфсизликни ошириш, йўналишларни агломерация тамойили асосида кенгайтириш, соҳада рақамлаштиришни жорий этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Бунда Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти транспорт бошқармаси бош мутахассиси Козимбек Бойбўриев. — Жумладан, 2023 йилда Термиз шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида “ISUZU” русумли 100 та автобус олиб келинди. Улар Термиз шаҳрида бир кеча-кундузда ўртача 32 минг, бир ойда эса қарийб 960 минг йўловчи ташиш имконини беради.

Вилоят марказида қатнай бошлаган автобуслар замонавий техник талабларга тўлиқ жавоб беради. Экологик тоза ва энергия тежамкор. Айни пайтда улар Термиз шаҳридаги 6 та асосий йўналиш бўйлаб ҳаракатланяпти. Натижада ҳудудда жамоат транспорти тизими тубдан янгиланиб, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга эришилди.

замонавий автобус олиб келинди. Бу транспортлар Термиз шаҳридаги 3-, 4- ва 7-йўналишларда брутто-шартнома асосида хизмат кўрсата бошлади. Шунингдек, жамоат транспорти тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида айни пайтда шаҳардаги 3 та йўналиш очиқ электрон “e-tender” платформасига жойлаштирилган.

Тадбиркорлар замонавий автобуслар сотиб олиб, шаҳар йўналишларига қўйишга жалб этилмоқда. Хусусан, “Bes Logistictrans Termez” МЧЖ ҳамда “Universal elektrotexnik servis” МЧЖ томонидан харид қилинган “ZHONGTONG” русумли замонавий автобуслар шаҳар йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатаётир.

— Термиз шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган замонавий автобуслар сони 80 тани ташкил этади. Шаҳарда брутто-шартнома асосида фаолият юритувчи 6 та йўналиш мавжуд. Улар шаҳарнинг барча асосий кўчалари ва ҳудудини қамраб олади. Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркорлар томонидан 6 та микроавтобус олиб келиниб, вилоятнинг туризм йўналишида йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи Умид Назаров. — Келгусида жамоат транспорти паркини янгилаш, янги замонавий автобусларни жалб этиш, мавжуд йўналишларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби ишлар изчил давом эттирилади.

Жамоат транспорти хизмати сифатини ошириш фақат замонавий автобусларга боғлиқ эмас. Уларга мос йўл инфратузилмаси ҳам зарур. Ҳозир Сурхондарё вилоятида 776 та автобус бекати мавжуд. 2025 йилда 45 та бекатда таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. Жамоат транспортининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида автобуслар учун 6 километрдан иборат алоҳида йўлак барпо этилди. Шу тариқа Термиз шаҳрининг Ислом Каримов, Баркамол авлод, Ат-Термизий, Ибн Сино ва Алишер Навоий кўчаларида автобус йўлақлари узунлиги 17 километрга етди. Шаҳар кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётган автобусларнинг белгиланган бекатларда тўхташи, ўз йўналишларидан чиқиб кетмаслигини назорат қилиш мақсадида диспетчерлик маркази ташкил этилган. У орқали ҳар бир автобусда қанча йўловчи ҳаракатланаётгани, йўл ҳақи тўланиши реал вақт режимида мунтазам кузатиб борилади.

Сурхондарё вилоятида 438 километр узунликдаги темир йўл мавжуд. Бу юк ва йўловчи ташишда катта имконият яратади. Жамоат транспорти тизимининг муҳим тармоғи бўлган темир йўллар ҳам замон талабига мос равишда изчил ривожланмоқда. 2019 йилда Термиз темир йўл вокзали қайтадан реконструкция қилиниб, йўловчилар учун зарур шароит яратилди. Ҳозир бу ердан шаҳарлараро йўналишда бир кунда 3 та йўналиш бўйича 5 та рейс амалга оширилмоқда. Хусусан, “Термиз — Тошкент — Термиз”, “Термиз — Андижон — Термиз” йўналишларида поезд қатнови йўлга қўйилди.

Термиз халқаро аэропортида ҳам янгиланишларни кўриш мумкин. 2019 йили аэровокзал тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Кутиш заллари, она ва бола хоналари, тиббий назоратдан ўтказиш жойлари, умуман хизмат кўрсатиш тизими тубдан ўзгарди.

— 2022-2024 йилларда Термиз халқаро аэропортидаги учиш-қўниш йўлаклари таъмирланиб, исталган турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имкони пайдо бўлди, — дейди Термиз халқаро аэропорти директори ўринбосари Одил Валиев. — Соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга терминал ишга туширилди. Ҳозир аэропортимиздан 3 мамлакатнинг 5 та шаҳрига, шунингдек, маҳаллий парвозлар йўлга қўйилган бўлиб, ҳафтасига 44 та рейс мавжуд. Ўтган йилда 350 минг йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу рақамни 455 мингга етказиш белгиланган.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news
КЎЗГУ
5
2026 йил 29 октябрь, 224-сон

Касбий таълими ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, уларнинг ютуғи ускуна ва бинода эмас, ташкилий механизмда. Бу мамлакатларда касбга йўналтириш мактаб дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади: ўқувчи 7-8-синфлардаёқ бир неча касб соҳасида ҳафталаб амалий синовдан ўтади, натижалари махсус ҳужжатда қайд этилиб, кейинги танлов учун асос бўлади.





“КАСБЛАР ШАҲАРЧАСИ” – ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ЯНГИ ПОЙДЕВОРИ

тажриба, сабоқлар ва таклифлар



Ҳаёт ҚОДИРОВ,
Касбий таълимни ривожлантириш институти директори

Долзарб мавзу

Ўн беш ёшли боланинг касб ҳақидаги қарори кўпинча бир суҳбат, бир маслаҳат ёки дўстининг танлови билан белгиланади. Бу қарорнинг баҳоси эса ўн йиллар давомида тўланади: ўзига мос бўлмаган йўналишда ўқиган ёш, унинг таълимига сарфланган оила ва давлат маблағи, керакли мутахассисни топа олмаган корхона. “Касблар шаҳарчаси” айнан шу занжирнинг энг бошида — бола ҳали қарор қабул қилмасдан олдин ишлайдиган, натижага йўналтирилган механизмдир.

21 октябрь куни Қашқадарё илғор касбий маҳорат техникумида Германияга амалиётга отланаётган ёшлар билан суҳбатда Президентимиз касбли инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини, билим ва ҳунарни пухта эгаллаган ёш қаерда бўлмасин ўз ўрнини топишини таъкидлади. Шу суҳбатда мактаб давриданоқ касб ва тил ўргатиш зарурлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил февралдаги тегишли фармони билан 2026/2027 ўқув йилидан етти ҳудудда “Касблар шаҳарчаси” ташкил этиш белгиланган эди. 17 августда Президентимиз Урганчдаги илк шаҳарча билан танишди ва эртаси куни бу тажрибани мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йўлга қўйиш вазифасини қўйди. Шундай қилиб, етти вилоятда бошланган ташаббус умуммиллий тизимга айланмоқда. Энди уни ҳар бир вилоятда бир хил юқори сифатда ишлайдиган тизимга айлантириш вақти келди. Бунинг учун эса, аввало, шаҳарча нима учун яратилганини аниқ тушуниб олиш зарур.

Шаҳарча нима учун яратилган?

“Касблар шаҳарчаси”нинг асосий мақсадини бир жумлада бундай ифодалаш мумкин: ҳар бир ўқувчига касбни қўли билан синаб кўриш орқали қизиқиши ва қобилиятини англаш, шу асосда ўзига ҳам, меҳнат бозорига ҳам мос касбни онгли равишда танлаш имкониятини бериш. Бошқача айтганда, шаҳарча касб ўргатмайди — у касбни танлашни ўргатади. Касбни техникум ўргатади, шаҳарча эса болани тўғри техникумга, тўғри йўналишга олиб келади.

Бу мақсад уч даражада намоён бўлади. **Бола учун — ўзини англаш.** Ўсмир ўзи ҳақида кўп нарсани билмайди: қўли нозик ишга мойилми ёки кучли ҳаракатгами, техника уни қизиқтирадими ёки одамлар билан ишлаш, у қаерда зерикади ва қаерда вақтни унутади? Бу саволларга тест ҳам, суҳбат ҳам тўлиқ жавоб бермайди. Жавобни фақат тажриба беради: пайванд аппаратининг симуляторида, сантехника стендида, ошхонада, дрон пультида. Урганч ва Қаршидаги шаҳарчаларнинг “Ўзинг ясаб кўр” тамойили айнан шунга қаратилган.

Оила учун — асосли қарор. Бизда касб танловини кўпинча ота-она ҳал қилади ва бунда касбнинг обрўси, диплом нуфузи ҳал қилувчи бўлади. Шаҳарча ота-онага фарзанди ҳақида аниқ кузатув ва далилга асосланган тавсия беради. Бу “мен шундай деб ўйлайман” эмас, “фарзандингиз шу соҳада ўзини шундай кўрсатди”, деган суҳбатдир.

Давлат ва иқтисодиёт учун — кадрлар оқимини бошқариш. Шаҳарчадаги касблар тасодифан танланмайди: Хоразмда транспорт ва логистика, саноат ва қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетика, Қашқадарёда эса робототехника, дронлар, электромобилларга хизмат кўрсатиш, зоотехника ва агрономия. Бу ҳар бир вилоят иқтисодиётининг эртанги эҳтиёжи. Шундай қилиб, шаҳарча боланинг шахсий қизиқишини ҳудуднинг реал меҳнат бозори билан учраштирадиган жойга айланади.

Шаҳарча техникумнинг қўшимча устахонаси эмас, мактаб тўгараги эмас, меҳмонларга кўрсатиладиган кўргазма зали ҳам эмас. Унинг натижаси ташрифлар сони эмас, балки ўз танловини англаб, асослаб қабул қилган ўқувчилар сонидир.

Бир марталик ташриф — таассурот, тизимли жараён — қарор

Касбий ривожланиш назарияси узоқ йиллик тадқиқотларга таянади ва шаҳарча қандай ишлаши кераклигини аниқ кўрсатади.

Америкалик психолог Дональд Супер инсоннинг касбий ривожини босқичлар сифатида тасвирлаган. Унинг назариясига кўра, ўсмирлик даври — изланиш босқичи: бу даврда инсон турли фаолиятни синаб кўради ва ўзи ҳақидаги тасаввурини касб олами билан солиштиради. Демак, 7-9-синфлар касбга йўналтириш учун энг қулай давр бўлиб, кечикиш бой берилган имкониятдир.

Жон Ҳолланднинг назарияси эса инсоннинг шахсий хусусиятлари билан касб муҳити ўртасидаги мувофиқлик унинг меҳнатдан қониқиши ва бу касбда барқарор қолишини белгилашини кўрсатади. Бошқача айтганда, тўғри танланган касб нафақат шахсий бахт, балки кадрлар қўнимсизлиги камайиши, малакали мутахассиснинг соҳада узоқ ишлашидир.

Замонавий тадқиқотчилар, жумладан, Марк Савикас ва Андреас Хирши яна бир муҳим тушунчани илгари сурган — касбий мосланувчанлик. Бу ўз келажагига қизиқиш, қарорни ўз қўлига олиш, янги имкониятларга очиқлик ва ўз кучига ишонч. Тез ўзгараётган меҳнат бозорида бир марта тўғри касб танлашдан кўра, умр бўйи тўғри танлай олиш кўникмаси муҳимроқ.



Бу назарияларнинг шаҳарча учун амалий хулосаси битта: касбга йўналтириш тадбир эмас, жараён бўлиши керак. Бир кунлик ташриф болада ёркин таассурот қолдиради, лекин қарор шакллантирмайди. Қарор эса изчил кетма-кетликда шаклланади: касблар олами билан танишиш, ўз қизиқишини аниқлаш, бир неча касбни амалда синаб кўриш, танловни торайтириш, оила билан маслаҳатлашиш ва ниҳоят, онгли қарор. Шаҳарча шу жараённинг марказий бўғини бўлиб, мактаб ундан олдинги ва кейинги босқичларни таъминлаши лозим.

Икки тизим ўртасидаги кўприк

Шаҳарча ўз мақсадига эришиши учун ҳал қилиниши лозим бўлган энг чуқур масала — мактаб ва касбий таълим ўртасидаги узилиш. Бугун улар турли идоралар



тасарруфида, турли ўқув режалари, турли ҳисоботлар ва турли мезонлар асосида ишлайди. Мактаб ўз вазифасини битирувчига аттестат бериш билан тугаган деб ҳисоблайди, техникум эса ўқувчини 9 ёки 11-синфдан кейин “тайёр ҳолда” қабул қилади. Ўқувчининг касб танлови эса айнан шу икки тизим оралиғида, ҳеч кимнинг масъулиятида бўлмаган “бўшлиқ”да ҳал бўлади.

“Касблар шаҳарчаси”нинг илғор касбий маҳорат техникуми ҳудудида жойлашгани тасодиф эмас. Бу — мактаб ўқувчиси касбий таълим муҳитига илк бор қадам қўядиган нуқта. Лекин шаҳарча ҳақиқий кўприкка айланиши учун интеграция беш йўналишда йўлга қўйилиши зарур.

Мазмун интеграцияси. Мактабдаги технология фанининг 7-9-синфлардаги бир қисми шаҳарча ва техникум устахоналарида, техникум усталари иштирокида ўтказилиши мумкин. Шунда бу фан назарий машғулотдан реал касбий синовга айланади. 10-11-синфлар учун эса техникум билан ҳамкорликда танлов асосидаги касбий модуллар жорий этилиб, улардан олинган натижалар техникумга кирганда ҳисобга олиниши ўқиш муддатини қисқартириши керак.

Кадрлар интеграцияси. Техникум усталари мактабда, мактаб технология ўқитувчилари эса техникум устахоналарида дарс бериши, уларнинг қўшма методик бирлашмалари тузилиши лозим. Мактаб ўқитувчиси замонавий ускунани, техникум устаси эса ўсмир билан ишлаш методикасини бир-биридан ўрганади.

Ресурслар интеграцияси. Ҳар бир мактаб туман ёки вилоятдаги муайян базавий техникумга бириктирилиши, техникумнинг устахона ва лабораториялари эса мактаб ўқувчилари учун белгиланган жадвал асосида очиқ бўлиши керак. Қашқадарё техникуми аллақачон бошқа муассасаларнинг 2800 ўқувчиси учун амалий база вазифасини бажармоқда — шу тамойилни мактабларга ҳам кенгайтириш мумкин.

Маълумотлар интеграцияси. Ўқувчининг мактабдаги ўзлаштириши, шаҳарчадаги синовлари ва менторнинг тавсиялари ягона рақамли профилда тўпланиб, техникумга узатилиши керак. Шунда техникум ўқувчини “нолдан” эмас, кучли жиҳатлари ва қизиқишларини билган ҳолда қабул қилади.

Масъулият интеграцияси. Энг муҳими — умумий натижа учун умумий жавобгарлик. Мактаб фақат битирувчилар сони эмас, улардан қанчаси асосланган касбий танлов қилгани учун, техникум эса фақат қабул режаси эмас, қабул қилинганлардан қанчаси биринчи курсда ўқишни ташламагани учун масъул бўлиши керак. Вилоят даражасида ҳокимлик, мактаб таълими, касбий таълим ва иш берувчилар вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш бу жараённи бошқариши мақсадга мувофиқ.

Тил ўргатиш ҳам шу интеграциянинг бир қисми. Қашқадарёда 500 ёшни немис тилига ўқитиб, Германияга амалиётга юбориш режаси кўрсатадики, касб ва тил бир-биридан ажралмас. Мактабдаги чет тил таълими касбий йўналишга боғланса, ёш техникумга нафақат касбга, балки халқаро меҳнат бозорига ҳам тайёр ҳолда келади.

Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий адолат воситаси

“Касблар шаҳарчаси”ни фақат таълим лойиҳаси сифатида баҳолаш унинг аҳамиятини торайтиради. Аслида, у иқтисодий сиёсатнинг ҳам, ижтимоий сиёсатнинг ҳам муҳим воситасидир.

Иқтисодий жиҳат. Ҳудудлардаги кенг кўламли инвестиция дастурлари янги корхоналар, технологиялар ва иш ўринларини олиб келмоқда. Хоразмга қисқа даврда 4 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 10 мингта янги қувват ишга туширилди. Қашқадарёда 21 октябрда умумий қиймати 6 миллиард доллардан ортиқ 161 та лойиҳадан 69 таси ишга туширилди, 92 тасининг қурилиши бошланди. Аммо давлатимиз раҳбари Хоразмдаги мулоқотда таъкидлаганидек, ҳар бир лойиҳанинг самараси фақат технологияга эмас, уни ишлата оладиган малакали кадрларга боғлиқ. Малакали ишчи етишмаса, инвестор мутахассисни четдан олиб келишга ёки ходимни иш жойида узоқ ва қиммат қайта ўқитишга мажбур бўлади. Шаҳарча эса вилоят иқтисодиётининг эртанги эҳтиёжини бугунги ўқувчининг танлови билан боғлайди. Бошқача айтганда, у инвестиция ва инсон капитали ўртасидаги узилишни мактаб давридаёқ бартараф этади.

Бунинг ортида кенгроқ макроиқтисодий мантиқ бор. Тўғри касб танлаган ёш ўқишни ташламайди, йўналишини алмаштирмайди, битиргач, ўз мутахассислиги бўйича ишлайди. Бу давлат ва оила таълимга сарфлаган маблағ самарали ишлашини, меҳнат унумдорлиги ошишини, ёшлар ишсизлиги ва норасмий бандлик қисқаришини англатади. Касб — камбағалликдан чиқишнинг энг ишончли ва барқарор йўли. Шу маънода, шаҳарчага йўналтирилган ҳар бир сўм камбағалликни қисқартиришга киритилган узоқ муддатли сармоядир.

Ижтимоий жиҳат. Шаҳар оиласида ўсган бола касблар ҳақида кўпроқ маълумотга эга: атрофида турли соҳа вакиллари, тўгараклар, ўқув марказлари бор. Олис туман ёки қишлоқ боласининг касб ҳақидаги тасаввури эса кўпинча яқин атрофидаги бир неча касб билан чекланади. Натижада танлов имконияти бола қобилиятига эмас, қаерда туғилганига боғлиқ бўлиб қолади.

“Касблар шаҳарчаси” бу тенгсизликни юмшатишга хизмат қилиши керак. Қишлоқ мактаби ўқувчиси ҳам худди шаҳар боласидек робототехника, “яшил” энергетика ёки замонавий агротехнологияни ўз қўли билан синаб кўриш, қобилиятини кашф этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун шаҳарча қамровини баҳолашда, энг аввало, туман ва қишлоқ мактаблари ўқувчилари улушига эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий адолат шунда намоён бўладики, ҳар бир боланинг келажаги манзилига эмас, салоҳиятига қараб белгиланади.

Хориж тажрибасининг асл сабоғи

Касбий таълими ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, уларнинг ютуғи ускуна ва бинода эмас, ташкилий механизмда. Бу мамлакатларда касбга йўналтириш мактаб дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади: ўқувчи 7-8-синфлардаёқ бир неча касб соҳасида ҳафталаб амалий синовдан ўтади, натижалари махсус ҳужжатда қайд этилиб, кейинги танлов учун асос бўлади. Ўқув дастурлари иш берувчи билан бирга тузилади, касбий таълим эса олий таълимга йўлни ёпмайди. Шунинг учун у ерда касбий йўл “боши берк кўча” эмас, нуфузли танлов сифатида қабул қилинади.

Бу тажрибадан бизнинг шаҳарчалар учун тўрт хулоса чиқади: касбга йўналтириш мактаб дастурига киритилган бўлиши; ўқувчининг натижалари ҳужжатлаштирилиб, кейинги босқичга узатилиши; шаҳарча реал иш берувчи билан боғланиши; касбий йўл эса олий таълимга эшикни ёпмаслиги керак. Қашқадарёдаги 32 та йирик ташкилот билан шартнома ва ёшларни Германияга амалиётга юбориш режаси учинчи шартнинг яхши бошланиши. Қолган учтасини эса миллий даражада ҳал қилиш лозим.

Етти қадам

Юқоридаги таҳлил асосида “Касблар шаҳарчаси” моделини мамлакат миқёсида самарали жорий этиш учун қуйидаги чораларни таклиф этамиз.

Биринчи қадам — шаҳарчани мактаб дастурига киритиш. Касбга йўналтириш ихтиёрий тадбир эмас, ҳар бир ўқувчи учун мажбурий йўл бўлиши керак. Унинг мантиқий тузилмаси қуйидагича: 7-синфда қизиқиш ва қобилиятни аниқлашга қаратилган диагностика ва шаҳарчага биринчи танишув ташрифи; 8-синфда шаҳарчада камида учта касб соҳасини қамраб олган, бир ҳафтадан кам бўлмаган амалий синов; 9-синфда танланган йўналиш бўйича ҳамкор корхонада қисқа муддатли амалиёт ва якуний тавсия. Бунинг учун мактаб ўқув режасида алоҳида соатлар ажратилиши лозим.

Иккинчи қадам — “Касбий танлов паспорти”. Ҳар бир ўқувчининг шаҳарчадаги синовлари, менторнинг кузатувлари ва тавсиялари ягона рақамли профилда сақланиши керак. Бу ҳужжат ўқувчи, ота-она, мактаб ва техникум учун очиқ бўлади. Шунда техникумга қабул пайтида ҳам ёшнинг тасодифий эмас, синалган ва асосланган танлови кўринади.

Учинчи қадам — касбий ментор лавозими ва унинг тайёрлов стандарти. Шаҳарчаларда касб устаси ва педагог-психолог кўникмаларини бирлаштирган “касбий ментор” лавозимини жорий этиш, улар учун махсус малака ошириш дастури ва сертификатлаш тизимини яратиш зарур. Мактабларда фаолият юритаётган касбга йўналтириш маслаҳатчилари ҳам шаҳарча амалиётида тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи қадам — ҳар бир болага етиб бориш. Узоқ туманлар учун транспорт билан таъминланган ташрифлар жадвали, туман марказларига чиқадиган кўчма касб модуллари ва виртуал симуляторлар орқали олдиндан тайёргарлик тизимини йўлга қўйиш лозим. Шаҳарча қамрови вилоятдаги барча 8-синф ўқувчилари улуши билан ўлчаниши керак.

Бешинчи қадам — барқарор молиялаштириш. Капитал қурилиш билан бирга шаҳарчанинг йиллик фаолияти учун ҳар бир ўқувчига ҳисобланган молиялаштириш нормативини белгилаш, иш берувчиларни эса касб модулларини жиҳозлаш ва янгилашга жалб қилиш таклиф этилади. Модулни қўллаб-қувватлаган корхона эвазига ўзи учун кадрларни мақсадли тайёрлаш имкониятига эга бўлади.

Олтинчи қадам — тўғри мезонлар билан ўлчаш. Шаҳарча самарадорлиги ташрифлар сони билан эмас, қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланиши лозим: асосланган касбий танловни шакллантирган 9-синф ўқувчилари улуши; шаҳарчада синалган йўналиш бўйича техникумга кирганлар улуши; техникумнинг биринчи курсида ўқишни ташлаш ёки йўналишни ўзгартириш даражаси; битирувчиларнинг бир йилдан кейин ўз мутахассислиги бўйича ишлаётгани. Бу кўрсаткичлар бўйича ҳар йили мустақил баҳолаш ўтказилиб, натижалар очиқ эълон қилиниши керак.

Еттинчи қадам — мактаб ва техникумни ҳуқуқий жиҳатдан боғлаш. Ҳар бир мактабни базавий техникумга бириктириш, технология фанининг бир қисмини техникум устахоналарида ўтказиш, 10-11-синфлардаги касбий модуллар натижаларини техникумда ҳисобга олиш ҳамда мактаб ва техникумнинг умумий самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш тартибини норматив ҳужжат билан мустаҳкамлаш зарур.

Хоразм ва Қашқадарёдаги “Касб шаҳарчалари”ни шу ёндашувни синовдан ўтказадиган ва янги шаҳарчалар жамоаларини тайёрлайдиган методик таянч марказлар сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Институтимиз ягона методика, касбий ментор тайёрлаш дастури ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишда ўз илмий-методик салоҳиятини сафарбар этишга тайёр.

Келажак шу ерда яратилади

Ҳар бир “Касблар шаҳарчаси”да ҳар куни кичик, лекин жуда катта маънога эга воқеа рўй беради. Ўн уч ёшли бола биринчи марта симуляторда пайванд чокини тортади, қуёш панелини улайди ёки дронни осмонга кўтаради ва унинг кўзларида “мен ҳам уддалайман” деган ишонч учқуни чақнайди. Ўша лаҳзада боланинг ўзига қараши ўзгаради. Бир умрлик йўлнинг илк қадами айнан шундай лаҳзалардан бошланади.

Хива ва Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабзнинг асрлар оша бизгача етиб келган обидалари номи тарихда қолмаган минглаб усталар, меъморлар ва ҳунармандлар қўли билан бунёд этилган. Аждодларимиз касбни муқаддас билган, ҳунарни отадан болага мерос қилиб қолдирган. Бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этар эканмиз, бу пойдевор олимлар ва мутафаккирлар билан бир қаторда ўз ишининг устаси бўлган миллионлаб ҳунарманд, муҳандис ва мутахассислар билан мустаҳкам бўлади.

Қашқадарёда Германияга отланаётган ёшлар билан суҳбатда Президентимиз уларга оталарча самимият билан бундай деди: “Касбли бўлсангиз, ҳеч қачон кам бўлмайсизлар. Билим ва ҳунарни пухта эгалласангиз, қаерда бўлманг, ўз ўрнингизни топасизлар”.

Давлатимиз раҳбари бу имкониятдан тўғри фойдаланган ёшлар ўзлари, фарзандлари ва невараларининг фаровон ҳаётига замин яратишини ҳам алоҳида таъкидлади.

Бу сўзларда ҳар бир ота-онанинг юрагидаги энг эзгу орзу мужассам: фарзандим ўз ўрнини топсин, ҳеч кимга муҳтож бўлмасин, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонсин. “Касблар шаҳарчаси” — шу орзуни ҳаётга айлантирадиган маскан. Унинг дарвозасидан кирган ҳар бир бола бу ердан ўзини англаган, ўз йўлини кўрган, келажагига ишонган ҳолда чиқиши керак. Бу — педагоглар, олимлар ва касбий таълим мутахассисларининг энг шарафли вазифаси. Зеро, касбли инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, касбли халқнинг эса келажаги ҳамиша порлоқдир.

Ёзувни такомиллаштиришнинг иқтисодий самараси эътиборга лойиқ. Ҳарф бирикмаларининг алоҳида график белгилар билан алмаштирилиши яратилажак матнлар ҳажми қисқароқ бўлишига имкон беради. Масалан, ўзбек лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзув тизимидаги 14 шрифт ўлчамли 100 саҳифалик матнда sh, ch, o‘ ва g‘ шаклларини тегишлича ş, ç, ö ва ğ ҳарфлари билан алмаштириш натижасида матн ҳажми беш саҳифага қисқариши мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 29 октябрь, 224-сон

www.yuz.uz yuz.uz yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мулоҳаза



Абдуманнон ҲАСАНОВ,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори



МИЛЛИЙ ЁЗУВ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЙҒУНЛИГИ

Алифбо — шунчаки ҳарфлар мажмуаси эмас. У миллий тилнинг ёзма ифодасини, авлодлар ўртасидаги маънавий алоқани, илмий ва адабий мерос сақланиши ҳамда жамиятнинг замонавий ахборот маконидаги имкониятларини белгилайдиган муҳим восита. Шу боис, ўзбек лотин алифбосини такомиллаштириш масаласи нафақат тилшунослар, балки таълим, нашриёт, давлат бошқаруви, ахборот технологиялари ва кенг жамоатчилик учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда компьютер орқали лотин ёзувига асосланган амалдаги алифбода матн яратишда o‘, g‘ ҳарфларини ёзиш учун анчагина меҳнат ва диққат, вақт сарф этилади. Хусусан, to‘g‘ri сўзини ёзиш учун клавиатура тугмаларини ўн беш марта босиш керак (ҳолбуки, сўз беш ҳарфдан иборат). Бу каби қийинчиликни фақат o‘, g‘ ҳарфларини хато ёзиш орқалигина “четлаб ўтиш” мумкин. Тан олиш керакки, кўпчилик айни шу қийинчиликларни енгиш учун ҳам “хато қилиш”га мажбур бўларди. Зеро, киши муайян ишни имкон қадар тез ва осон битиришга интилади. Бироқ лотин ёзувига асосланган амалдаги алифбода қўлланилган o‘ ва g‘ ҳарфлари, шунингдек, sh ва ch ҳарф бирикмалари айни шу жиҳатдан вақт ва диққат ўғирлашга сабабчи бўлиб қолаётган эди. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун айни шу муаммо ечими сифатида ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Мазкур қонун амалдаги O‘ o‘, G‘ g‘, Sh sh ва Ch ch шаклларини тегишлича Ö ö, Ğ ğ, Ş ş ва Ç ç ҳарфлари билан алмаштиришни назарда тутади. Ушбу таклифнинг асосий моҳияти ҳозирги ёзувда айрим товушларни ифодалаш учун қўлланаётган икки белгили, апострофли бирикмалар ўрнига яхлит ҳарфларни ёзув амалиётига жорий этиш ва шу орқали иш унумдорлигини ошириш ва миллий ёзувимизнинг рақамли технологиялар билан интеграциялашувига эришишдир. Бу ислоҳот натижасида ёзув ихчамлашади, ҳарфларнинг график яхлитлиги таъминланади ва ўзбек лотин алифбосининг амалий имкониятлари кенгаяди.

Лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзувда қайд этилган матн бошқа ёзув тизимига (масалан, кирилл ёзувига) ўгирилганда O‘ o‘, G‘ g‘, Sh sh ва Ch ch каби ҳарфлар компьютер томонидан икки белги сифатида “ўқилади” ва шунга мос тарзда қайта ишланади. Чунончи, лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзувда яратилган матн кирилл алифбосига ўтказилганда o‘ ҳарфи оъ тарзида, ғ ҳарфи гъ тарзида, sh, ch ҳарф бирикмаларини сҳ тарзида ўгирилади. Бу каби ҳолатлар ҳам лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзув асосида яратилган матнларни компьютер дастурлари орқали қайта ишлашда анчамунча муаммоли вазиятларни юзага келтиради.

Амалдаги ёзувда sh ва ch бирикмалари ўзбек тилидаги муайян ундош фонемаларни ифодалайди. Ҳар бир товушни алоҳида ва яхлит ҳарф билан ифодалаш ёзувнинг график тузилишини соддалаштиради. Бунда товуш, фонема ва ҳарф тушунчаларининг ўзаро муносабатини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Товуш нутқда талаффуз қилинади, фонема тил бирликларининг маъноларини фарқлашга хизмат қилади, ҳарф эса ёзувда тегишли фонемаларни ифодалайди. Шу жиҳатдан ислоҳот ўзбек тилидаги муайян фонемаларни ёзувда яхлит график бирликлар орқали ифодалашга, алифбонинг ички изчиллигини ва қулайлигини оширишга хизмат қилади.

Ёзувни такомиллаштиришга доир муҳокамаларда жорий даврга қадар яратилган манбалар билан ворисий боғлиқлик масаласи алоҳида ўрин тутади. Лотин ёзувига асосланган амалдаги алифбода яратилган китоблар, газета ва журналлар, илмий нашрлар, адабий асарлар ҳамда луғатлар халқимизнинг бой маънавий ва интеллектуал меросини ташкил этади. Янги график шаклларга жорий этилиши бу меросдан фойдаланиш имкониятларини чекламаслиги, аксинча, мавжуд манбаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини бера олиши керак. Қонун



орқали белгиланган янги шаклларга бу борадаги талабларга жавоб беради. Хусусан, o‘ ва g‘ ҳарфларининг ö ва ğ шаклларига ўтказилиши шу жиҳатдан муҳим. Таклиф этилган янги белгилар аввалги ҳарфларнинг асосий график шаклини сақлайди: Ö ҳарфида O, Ğ ҳарфида эса G асос бўлиб қолади. Уларнинг фарқи қўшимча диакритик белгилар орқали ифодаланади. Шу сабабли бу ўзгаришлар мутлақо янги график тизимга ўтишни эмас, мавжуд ёзувнинг айрим унсурларини такомиллаштиришни англатади. Ҳарфларнинг шаклий яқинлиги аввалги ёзувда битилган матнларни таниш ва ўқишда катта қулайлик яратади. Шунингдек, sh ва ch бирикмаларини алоҳида ҳарфлар билан ифодалаш эски ёзувдаги матнлар мазмунини ўзгартирмайди. Бундан ташқари, кўпчиликнинг ушбу ҳарфларни яхши таниши, энди савод чиқарадиган ёшларнинг эса хорижий тилларни ўрганиш жараёнида sh ва ch ҳарф бирикмалари билан танишиши уларнинг аввалги ўзбек лотин ёзувида яратилган матнларни ўқишида қўл келади. Демак, янги график шакллар жорий этилиши ўзбек лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзувда шу пайтгача яратилган адабиётлардан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқармайди.

Шу билан бирга, o‘ ва g‘ ҳарфларини ёзишда апострофга ўхшаш белгилардан фойдаланиш билан боғлиқ техник муаммоларни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади. Амалдаги ёзувда апостроф (’) ва ташқи кўриниши унга ўхшаш бошқа белгиларнинг турлича қўлланиши натижасида бир сўзнинг бир неча техник шакли юзага келарди. Масалан, ўрта сўзини ёзишда o дан кейин Unicode тизимида ‘ (U+2018), ’ (U+2019), ’ (U+0027), ’ (U+0060), ´ (U+00B4), ` (U+02CB), ´ (U+02CA) каби бир қанча белгилардан исталганини фойдаланиш ҳисобига техник жиҳатдан турли “ҳарф”лар шакллантириларди. Бундай техник тафовутлар электрон қидирув, матнларни таққослаш, имло назорати, матнларни автоматик қайта ишлаш ҳамда электрон тил корпусларини шакллантириш жараёнларида муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. O‘ ва g‘ ҳарфларини мос равишда ö ва ğ шаклида ёзиш бу ҳарфлар таркибида апострофга ўхшаш белги ишлатиш заруратини бартараф этиб, ёзувнинг техник бир хиллигини таъминлашга ёрдам беради.

O‘ ва G‘ ўрнига Ö ва Ğ ҳарфлари қўлланиши мазкур муаммонинг ечими сифатида ҳар бир товуш алоҳида, ягона ва яхлит белги (ҳарф) билан ифодаланишига имкон беради. Бунда апострофга ўхшаш белгилар турлича қўлланилиши билан боғлиқ чалкашликлар йўқолади. Натижада ёзувнинг техник бир хиллиги, матн (сўз) қидириш ва қайта ишлаш қулайлиги ошади.

Бугунги кунда ёзув самарадорлиги унинг қоғозда қандай кўринишигина эмас, балки электрон муҳитда қай даражада мослашиши билан ҳам белгиланади. Қидирув тизимлари, электрон луғатлар, матн корпуслари, автоматик таржима, нутқни таниш ва сунъий интеллектга асосланган дастурлар стандартлаштирилган ёзувга эҳтиёж сезади. Бир товушни ифодаловчи икки ҳарфли бирикма ўрнига битта ҳарф қўлланиши матнларни транслитерация қилиш, сўзларнинг график тузилишини аниқлаш ва баҳолаш имкониятларини кенгайтиради.

Алифбони такомиллаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати унинг қардош туркий тиллар ёзувлари билан муштараклигини таъминлашидир. Туркий дунё умумий алифбо комиссиясининг 2024 йил 11 сентябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган учинчи йиғилишида Умумтуркий алифбо (Common Turkic Alphabet) қардош туркий халқлар томонидан маъқулланган эди. Миллий алифбомизда ислоҳ этилаётган тўрт ҳарф ҳам мазкур алифбодаги тегишли шакллар билан бир хил. Бу эса Ö, Ğ, Ş ва Ç каби ҳарфлар туркий тилларнинг муштарак ёзувларидаги матнларни қиёслаш, умумий электрон ресурслар яратиш, тилшунослик тадқиқотларини баҳамжиҳат олиб бориш ва ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтиришга ҳам ёрдам беради.

Ёзувни такомиллаштиришнинг иқтисодий самараси эътиборга лойиқ. Ҳарф бирикмаларининг алоҳида график белгилар билан алмаштирилиши яратилажак матнлар ҳажми қисқароқ бўлишига имкон беради. Масалан, ўзбек лотин ёзувига асосланган амалдаги ёзув тизимидаги 14 шрифт ўлчамли 100 саҳифалик матнда sh, ch, o‘ ва g‘ шаклларини тегишлича ş, ç, ö ва ğ ҳарфлари билан алмаштириш натижасида матн ҳажми беш саҳифага қисқариши мумкин. Нашриёт-матбаа ишларида матн ҳажми қисқариши қоғоз ва бўёқ сарфини камайтиришга, шу асосда харажатларни тежашга хизмат қилади. Тежамкор технологиялар тобора муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда бу каби жиҳатлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Таклиф этилаётган ислоҳотнинг афзаллиги шундаки, у ёзув тизимининг барча унсурларини янгидан шакллантиришни эмас, балки жорий алифбодаги тўртта ҳарфнинг график ифодасини такомиллаштиришни назарда тутади. Шу боис, бу ўзгариш мавжуд ёзув тизимидан бутунлай воз кечиш дегани эмас. Аксинча, алифбонинг умумий график асосини сақлаган ҳолда айрим ҳарфларнинг ифодаланиш усулини қулайлаштиришга қаратилган. Бундай ёндашув аввалги даврда яратилган ёзма манбалар ва адабиётлардан фойдаланишни давом эттириш, шу билан бирга, янги ёзув шаклларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, O‘ o‘, G‘ g‘, Sh sh ва Ch ch шаклларини Ö ö, Ğ ğ, Ş ş ва Ç ç ҳарфлари билан алмаштиришни назарда тутувчи қонун ўзбек лотин ёзувининг график ихчамлигини ошириш, апостроф билан боғлиқ техник ноқулайликларга барҳам бериш, электрон матнлар яратиш ва уларни қайта ишлашни енгиллаштириш, нашриёт жараёнларида ресурсларни тежаш ва қардош туркий тиллар билан ёзув муштараклигини кучайтириш каби қатор имкониятлар реаллашишига йўл очади.

Миллий ёзувни такомиллаштириш тилимизнинг бугунги эҳтиёжларига жавоб бериш билан бирга унинг келажакдаги тараққиёти учун мустаҳкам асос яратиш демакдир. Шундай экан, ўзбек лотин алифбосини такомиллаштириш масаласига тарихий мерос, миллий манфаатлар ва замонавий технологиялар уйғунлиги нуқтаи назаридан қараш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва ёзувимизни янада қулай, изчил ҳамда рақамли муҳитга мос тизимга айлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланиши лозим.

Эътироф

ШУ ПАЙТГАЧА ЎҚИТУВЧИГА УЙ СОВҒА ҚИЛИНМАГАН ЭДИ

Йиллар давомида ўз касбига фидойилик, бу йўлдаги меҳнат ва изланишнинг муносиб эътирофи андижонлик Шаҳноза Абдусаломовани “Йил ўқитувчиси” мақомига эриштирди. Шу боис, у суҳбатимиз аввалида “Устозлик мен учун касб эмас, тақдирим”, дея гап бошлади:



“Ўтган йили Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар байрамида “Йил ўқитувчиси” кўрик-танлови ўтказилади ва ғолиб бўлган устозларга уй берамиз” деганида хурсанд бўлиб, ўз олдимга мақсад қўйгандим. Ниятимга етиб, ушбу танловда қатнашдим ва ғолибликни қўлга киритдим. Шунинг учун ҳам энг бахтли устозлардан бириман деб бемалол айта оламан. Муаллимнинг ойлик маоши минг долларга етганининг амалдаги исботи — менинг бугунги маошим. Чунки мен минг доллар ҳам эмас, бир ярим минг долларга яқин маош оляпман.

Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз чегирма жорий этилиши оиламиз учун яна бир қувончли хабар, совға бўлди. Андижон давлат университетининг филология факультетида ўқиётган қизим учун 11 миллион сўм тўлашимиз керак эди. Чегирма билан 8 миллион сўм миқдорида тўлов қиламиз.

2025/2026 ўқув йили мен учун анча омадли келди. Кузги аттестацияда 94 балл билан 70 фоизли устамани қўлга киритдим. Вазир устамасига номзод бўлдим. Шу кўрсаткич билан ўз-ўзидан “Йил ўқитувчиси” танловининг биринчи босқичига ўтибман. Танловнинг ҳар учала босқичи жуда адолатли, шаффоф бўлди. Кучли, билимли устозлар билан беллашдик. Шулар орасида ғолибликка эришишимда, албатта, ҳамкасбларимнинг билдирган ишончи, қўллаб-қувватлови муҳим ўрин тутади. Жамоамиз жуда аҳил.

36 йил олдин шу мактабнинг 1-синфига қабул қилинганман. Мактабимга меҳрим бошқача эди. Шунинг учун институтдан тўғри Хонобод шаҳридаги 2-умумтаълим мактабига келдим. Онам шу мактабда ишлаган. Отам ҳам ўқитувчиликдан нафақага чиққан. Уларнинг дарсларини, иш фаолиятини кузатиб, педагог бўлишни орзу қилганман.

Ўқитувчиликни катта масъулият ва шараф деб биламан. Айниқса, менинг зиммамда икки ҳисса масъулият бор. Чунки устозларнинг фарзандиман. Бутун борлиғим, ҳаётим, юрагим шу соҳа билан боғланган. Ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашишга ҳаракат қиламан. Уларни китоб мутолаасига ундайман. Чунки ўзим ҳам бадиий асарлар ўқишни ёқтираман. Китоб мутолааси севимли машғулотим”.

Қаҳрамонимизнинг кучи — ўқувчиларининг кўнглидан чуқур ўрин олганида. Бу эса устоз ва шогирдга бир-бирининг меҳрини, муваффақиятини доимий ҳис қилиш, кўриб юриш имконини беради. У жуда кўп йигит-қизларни мустақил ҳаётга учирма қилди. Айниқса, ўзи билан елкама-елка ишлаётган шогирдлари устознинг кўзини қувонтиради. Бу унга қувонч бағишлайди, албатта. Зеро, уларни ўзининг устозлик йўли билан руҳлантира олганидан хурсанд бўлади.

— Таълим берган барча ўғил-қизларим фарзандимдай бўлиб қолади, — дейди совриндор устоз. — Буни онам менга доим таъкидлар эди. Шунинг учун фарзандларим келажагига қандай қуюнсам, шогирдларим учун ҳам шундай жон куйдиришимга тўғри келади. Бундан асло нолимайман, аксинча, ҳар бир ўқувчимнинг ҳаётида ўрним борлигидан, уларга тўғри йўл кўрсата олаётганимдан фахрланаман, ғурурланаман. Айниқса, бугун фидойи бўлмасликнинг иложи ҳам йўқ. Ахир қайси даврда ўқитувчи битта танловда уй ютиб олган? Педагогларнинг фарзанди сифатида айтаманки, ўқитувчига ҳеч қачон уй совға қилинмаган. Бир пайтлар энг катта танловларда ҳам ғолиб устозларга битта фахрий ёрлиқ берилган. Нари борса, эсдалик совғалар бўларди. Мана, нега одамлар “Йил ўқитувчиси”га 50 минг доллардан кўпроқ пул мукофоти берилади деган хабар тарқалганида ишонмади. Маблағни қўлимизга олганимизни кўрганида эса ҳамма ҳавас қила бошлади. Шу маънода, бугунги кунда биз, устозлар маза қилиб, яйраб-яшнаб, фидойиларча ишлашимиз керак. Шунда имкониятлар ҳам ўз-ўзидан келаверади. Бу касбимиздан, ҳаётимиздан рози бўлиб яшашимизга руҳлантиради ҳам. Айниқса, янги уй сотиб олиш бахтига муяссарлик завқи бир умр ёдимиздан ўчмайди. Айни пайтда мен шу завқ, шу бахтдан масрурман. Аввало, ота-онам, ҳамкасбларим, шогирдларим, оилам қувончимга шерик бўлиб турибди. Бундай бахт менга ҳавас қилаётганларнинг барчасига, албатта, шогирдларимга ҳам насиб қилишини истайман.

Энг шарафли касб сифатида устозлик, ўқитувчилик ўз соҳибига кутилмаган даражалар ва ютуқларни тақдим этиши билан ҳам обрўлидир. Педагогнинг нуфузи каррасига ошаётган мамлакатда эса бу касб эгаларининг мукофотга янги хонадон олиши ҳам анъанага, табиий ҳолатга айланиб боради.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 23:30